БАЙРАМЛАРИНГ ЎЗИНГ КАБИ БОҚИЙ БЎЛСИН, ОНА ХАЛҚИМ!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ
ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 20 март, шанба № 48-49 (1682)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ҳеч шубҳасиз, Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинган бу йилимизда ... чин қалбдан чиқадиган, холис ва олижаноб, пок ниятлар ўзини шу юрт фарзанди деб билган ҳар қайси инсоннинг юрагида акс садо топади ва шу тилакларнинг ижобат бўлиши, диёримизни янада обод, ҳаётимиз фаровон бўлишига ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилади.

НАВРЎЗ ШУКУҲҲИГА ТЎЛДИ ОЛАМ!

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Табиат уйғониб, тобора чирой очиб бораётган мана шу гўзал кунларда сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни яшариш ва янгиланиш рамзи бўлмиш Наврўз айёми билан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Бугунги шодиёнада бизнинг қувончимизга шерик бўлаётган муҳтарам меҳмонларимизни, юртимиздаги элчихоналар ва халқаро ташкилотлар, чет эл оммавий ахборот воситалари вакилларини, барча дўстларимиз ва бирodарларимизни қадимий ва азалий байрамимиз билан сизларнинг номингиздан, эл-юртимиз номидан самимий қутлайман.

Азиз дўстлар!

Шу кунларда эл-юртимиз қарши олаётган Наврўзи оламнинг ҳаётбахш нурзиёси, ажойиб аломатлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бу айёмнинг буюк бир хосияти борки, уни алоҳида таъкидлаш зарур.

Баҳор кириб келиши билан, мўътабар заминимиз яшил либосга бурканиб, куртаклар очилиши билан ҳар қайси тирик жон, ҳар қайси одам ўзининг она табиат фарзанди эканини чуқур ҳис этади.

Бу ёруғ дунёнинг бетакрор сеҳри ва гўзаллигини худдики янгитдан англаб, дилида мудраб ётган эзгу ниятлари, орзу-умидларини, қалбининг тўрида бўлган меҳр ва саховатини намоён этишга интилади.

Мана шу файзли кунларда, баҳорнинг сумалак ва ҳалим каби тансиқ таомлари тортилган дастурхонлар атрофида ватандошларимиз Наврўз неъматларини, байрам қувончини ёру дўстлар билан баҳам кўришни, дунёга юрагини, бағрини очишни истайди.

Беморлар, етим-есир, кўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам ва кўмак беришга, табаррук кексаларимизни зиёрат қилиб, уларнинг дуосини олишга шошилади.

Юртимизга Наврўзи олам - янги фасл, янги йил ўзининг қутлуғ қадамини қўйиши билан нуроний оталар, мунис момоларимиз дуога қўл очиб:

Ризқи насибамиз бутун бўлсин, Деҳқонларимизнинг омадини, баракасини берсин, Ҳар бир оила, ҳар бир инсон бахтли бўлсин,

деб тилак қилади.

Ҳеч шубҳасиз, Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинган бу йилимизда бундай чин қалбдан чиқадиган, холис ва олижаноб, пок ниятлар ўзини шу юрт фарзанди деб билган ҳар қайси инсоннинг юрагида акс садо топади ва шу тилакларнинг ижобат бўлиши, диёримизни янада обод, ҳаётимиз фаровон бўлишига ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилади.

Мана шу гўзал, шукуҳли ва тароватли айёмда, одамнинг юраги юмшаб, гина ва аразлар унутиладиган шу лаҳзаларда мен барча юртдошларимизга қарата даъват қилмоқчиман:

Азизларим, биродарларим, бу ғанимат дунёда бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлайлик, бир-биримизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшайлик.

Агарки менинг бу сўзларим барча юртдошларимизга етиб борса ва уларнинг қалбидан жой олса, ўзимни ғоят бахтиёр ҳис қилган бўлардим.

Муҳтарам юртдошларим!

Яна ва яна бир бор сиз, қадрдонларимни, сизлар орқали барча ватандошларимни бағримга босиб, азиз ва ардоқли Наврўз байрами билан чин қалбимдан қутлайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Хур диёримиз узра баҳорий насимлар эсмоқда. Довдарахтларнинг куртак ёзишидан, ўт-ўланларнинг яна кўкка бўй чўзишию, қалдирғочларнинг валфажридан қалблар шодликка тўлмоқда. Шарқираб оқаётган сув қишнинг рутубатли кунларида бир муддат тин олган чархпалакларга яна қайта «жон» киритган. Борликдаги жамики уйғониш, янгиланиш ва яшариш озод ва обод Ватанимизга яна улуғ айём, қут-барака элчиси - Наврўзи олам кириб келганидан дарак беради. Бу эзгулик, меҳр ва мурувват, одамийлик ва оқибат айёми яна дилларни сурур ва умидга тўлдириб келди. Жаннатмонанд ўлкамиз узра байрамона руҳ ҳукмрон!



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

19 март. Соат 14.00. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган. Бу ерга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги, дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Тантанага йиғилганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

Еру кўкни тутган чорлов мусиқаси байрам тантаналари бошланганидан дарак беради.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари юртдошларимизни боқий байрам - Наврўзи олам билан самимий қутлаб, унинг тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, асрий қадриятлари, миллий урф-одат ва анъана-удумлари тобора сайқалланиб, ривож топиб бораётганини таъкидлади.

Бу айём ҳамиша янгиланиш ва ёшлик, гўзаллик ва нафосат, меҳр ва мурувват, оқибат ва саховат, бунёдкорлик ва яратувчилик байрами сифатида кенг нишонлаб келинган...

Фусункор майдон узра борлиқ уйғониши - Янги кунни мадҳ этувчи майин наво таралади. Мусиқий оҳангларга қушлар чуғур-чуғури, сувнинг жилдираши, жисму жонимизни ўртагудек орзиқиб кутаётганимиз - баҳор ишвалари уйғунлашиб кетади. Шу майин куй-оҳанг оғушида кўз ўнгимизда зебо табиатнинг бетакрор фасллари гавдаланади, турфа гуллар юз очади, булбуллар хониш қилади. Гўё вужудга қайта жон инади, бамисоли қайта туғилгандек, яшаргандек ҳис этади инсон ўзини мана шундай дамларда.

Карнай-сурнай ва ноғоралар садоси остида жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Гўё уларнинг садоси она заминни қиш уйқусидан уйғотиб, борлиққа баҳор сеп ёйганидан дарак бергандек бўлади. Шу дамда беихтиёр ям-яшил қирадирлар, гулга бурканган водийлар, лолақизғалдоқдан қизарган чўл-биёбонлар гавдаланади кўз ўнгимизда. Бинафша бўйлари димоқни қитиқлаб ўтгандек, заминдан кўкка ўралаётган ҳовурдан қўкракни тўлдириб нафас олгандек бўламиз...

Тантананинг «Хуш келибсиз!» деб номланган қисмида пойтахт вакиллари ўзларининг бетакрор санъатларини намойиш этади.

Давлатимиз раҳбари бу йилни Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилди. Бу борада ҳукуматимизнинг махсус дастури қабул қилинди. Эзгу ниятлар билан номланган йилда ўтказилаётган Наврўз тантаналарида халқимизга хос меҳр ва мурувват фазилатларига алоҳида аҳамият берилган. Бу бежиз эмас. Зеро, йил бошида азалдан меҳр ва мурувват, одамийлик ва саховат барқарор бўлиши хусусида ният қилинади. Ана шу кунда жамики гина-кудуратлар ўртадан кўтарилиб, самимият ва меҳр-муҳаббат ришталари боғланади.

«Ўзбекистон гуллари йиғилмиш бу чаманга» деб номланган қисмда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг бадиий фольклор ва этнографик жамоалари ўзларининг ранг-баранг дастурларини намойиш эта бошлайдилар. Ҳар бир ҳудуднинг чиқишларида унинг ўзига хос халқ ўйинлари, қўшиқ, лапар, рақс ва аскиялар ижро этилади. Ҳур диёримизда бир тану бир жон бўлиб яшаётган барча миллат ва элатлар вакилларининг бадиий чиқишлари қалбларни фахрга тўлдиради.



Кун билан тун тенглашадиган Наврўзга азалдан аждодларимиз ризқ-насиба, нажот ва баракот фурсати сифатида қараган. Ана шу кундан бошланган баҳорий юмушлар, деҳқон далага қўш чиқариб, барака уруғи сочган. Ерга дон сочилгани учун ҳам бу кун айланган юртимизда шу кунларда янги қўшма корхоналар, ишлаб чиқариш объектлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт мажмуалари, маданият ва хизмат кўрсатиш иншоотлари фойдаланишга топширилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатларнинг маъно-моҳиятида аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш, фаровон ва тўкин ҳаётни таъминлашга интилиш, бир сўз билан айтганда, кишиларга меҳр ва мурувват кўрсатиш нияти мужассамдир.



Нафис анжуманнинг «Ҳаёт чечаклари» деб номланган фаслида саҳнага ширин-шакар болакайлар кириб келади. Юзларида эзгулик балқиган қичкинтойларнинг шўх-шодон кулгилари, жарангдор куй-қўшиқлари, жозибадор рақслари кишини завқлантириб юборади. Уларнинг самимияти беихтиёр сизга кўчади.

Юртимиз азалдан кураги ерга тегмаган полвонлари билан ном қозонган. Истиқлол шарофати билан ўзбекнинг кураши дунёни забт этмоқда. Бугун ўзбекона яктак кийиб, ўзбекча дошқозонларда сумалак, ҳалим қайнатилган, кўпкари, пойга каби халқ ўйинлари ташкил этилиб, дорбозу морбозлар, полвону масхарабозлар томоша кўрсатган. Бугун бу азалий анъаналаримиз янада бойиб, теран маъно касб этмоқда.

Ҳар йили Наврўз байрами арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилган янги иншоотлар, корхона ва ўқув муассасаларини фойдаланишга топшириш анъана тусини олган. Бундай тадбирларнинг аввали мавжаниб оқаётган Амударё узра қурилган янги кўприкнинг очилиш маросимидан бошланди. Унинг очилиши тантанасида Президентимиз Ислом Каримов иштирок этди. Зеро, бу иншоотни бунёд этишнинг ташаббускори ва раҳнамоси Юртбошимиздир. Халқ хўжалиги учун муҳим стратегик аҳамиятга эга мазкур иншоот мамлакатимиз, хусусан воҳа аҳлининг кўпдан-кўп муаммоларини ечишга кўмаклашади, элларни эллар билан, дилларни диллар билан боғлайди.

Бунёдкорлик майдонига «таъзим», «ҳалол», «ёнбош», «чала», «дакки» каби ибораларга амал қилиб кураш тушаётганларни дунёнинг барча қитъасида учратиш мумкин. Спортчи ўғил-қизларимизнинг донғи олам узра ёйилмоқда, уларнинг ғалабалари шарафига юртимиз мадҳияси олиймақом мусобақаларда янграб, байроғимиз сарбаланд кўтарилмоқда.

Байрамда ўзбек миллий кураш мактабининг анъаналарини маҳорат билан давом эттираётган янги авлод вакиллари, спортчиларимиз намояндалари, цирк усталари, Ўзбекистон байроғини халқаро майдонларда баланд кўтарган спортчиларимиз ҳозир бўлади. Улар орасида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими - «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби оммавий спорт ўйинлари ғолибларини кўришимиз мумкин. Ўзининг мардонавор ғалабалари билан юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшган спортчиларимиз борлигидан қалбларимиз ғурур ва ифтихорга тўлади.

Бу нафис анжуманда ўзбек халқига хос гўзал инсоний фазилатлар - меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, фидойилик, якдиллик ва аҳиллик, тинчликка интилиш туйғулари бетакрор халқ қўшиқлари ва замонавий ашулалар воситасида юрак қатларига тобора чуқурроқ сингади.

Тантананинг «Сен баҳорни соғинмадингми?» деб номланган қисмидан ўрин олган санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш санъаткорларнинг, айниқса, санъатимизнинг навқирон вакиллари, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари, «Ўзбекистон - Ватаним маним», «Азиз она юртим наволари» танловлари ғолибларининг Ватанни, Наврўз ва муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантириб юборади. Она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси барчамизни бирлаштирувчи, келажак сари илдам етакловчи буюк куч эканлигини чуқур ҳис қиламиз.

Ажойиб куй-қўшиқларга мушакбозлик уланиб кетади...


Байрам тантаналаридан сўнг Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

- Наврўзни кўтаринки кайфият билан нишонлаш эзгу ниятлар билан яшаётган халқимизга ярашади, - деди Юртбошимиз. - Халқимиз табиатидаги адолатга, ёруғликка интилиш, ўзининг ҳаёт тарзини шунга мос равишда йўлга қўйиш қадимий байрамимиз билан уйғундир. Мазкур йил бежиз Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинмади. Бинобарин, бағрикенглик, бир-бирига меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизнинг азалий одатларидан биридир. Ёшларимиз буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлиб етишишдек улуғ мақсад билан яшашлари лозим.

Юртимизда, унинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларида байрам шодиёналари давом этмоқда.

Байрамларинг ўзинг каби боқий бўлсин, она халқим!

Норали ОЧИЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси



Наврўз нафақат баҳор, яшариш, балки меҳр-мурувват, хайру саховат байрами ҳамдир. Қадимдан шу куни гина-кудуратлар унутилиб, ёлғизлар, боқувчисини йўқотган қариялар ҳамда ногиронлар ҳолидан хабар олинган. Уларга меҳр саховат кўрсатилган.

МУРУВВАТ ФАСЛИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал-демократик партияси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги бешта меҳрибонлик уйининг олти юзга яқин тарбияланувчисига атаб «Наврўз - мурувват фасли» деб номланган хайрия концерти уюштирди.

Пойтахтимиздаги «Марказий офицерлар саройи»да бўлиб ўтган тадбирда болаларга минглаб сўмлик спорт анжомлари туҳфа этилди.

Қуролли кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ҳамда таниқли ёш хонандалар ижро этган куй-қўшиқлар болажонларга манзур бўлди.

ОРОЛБЎЙИДА ОТЛАР ДУПУРИ

Наврўз арафасида Нукус шаҳрида от спорти бўйича Қорақалпоғистон чемпионати ўтказилди.

Мусобақа Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, От спорти федерацияси, «Маҳалла» жамғармасининг Қорақалпоғистон бўлими ташаббуси билан ташкил этилди.

Уч даврали баҳсда Нукус туманидан келган Шарофиддин Зоиповнинг оти маррага биринчи етиб келди. Беш давра айланиш бўйича нукуслик Ниетбой Ўтаровнинг тулпоридан ўтадиган от топилмади. Мусобақанинг энг узоқ пойгасида қонликўллик Оразгелди Қўшназаров ғолиб бўлди.

(ЎзА)

ОЗАРБОЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 2004 йил 23-24 март кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши ва қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Тарихи ва маданияти қадим-қадимдан бир-бирига ўхшаш Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги алоқалар равнақи ҳозир ҳам икки томон учун бирдай муҳимдир. Шу маънода Ўзбекистон раҳбарининг Озарбойжонга, Озарбойжон раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифлари ҳар гал икки халқ ҳаётида муҳим воқеа сифатида қайд этилади.

Шу боис, Озарбойжон Президенти Илҳом Алиевнинг мамлакатимизга ташрифи ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш учун янги имкониятлар эшигини очади. Ўзаро ҳамкорликни сарҳисоб қилиш ва истиқболларини белгилаб олиш, сиёсату иқтисод бобида юзага чиқаётган янгича мезонлар асосида борди-келдини мустаҳкамлаш учун шундай ташрифлар зарурлиги табиий.

Мустақиллигини қўлга киритган янги давлатлар миллий инфратузулма яратиш, собиқ Шўро тузуми мерос қолдирган иллатлардан халос бўлиш, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш каби аниқ мақсадлар сари қадам ташлади. Озарбойжон Республикаси танлаган йўл ҳам айни шу мезонлар билан ўлчанади. Озарбойжон халқи қийинчиликларга қарамай, бу йўлда учраган тўсиқларни собитқадамлик билан енгиб ўтмоқда.

Озарбойжон ҳам Ўзбекистон каби иқтисодий салоҳияти юқори мамлакатлардан ҳисобланади. Озарбойжон замини фойдали қазилмаларга бой, саноати ва қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган. Хусусан, бу ўлка ёқилғи заҳиралари бўйича Форс кўрфази мамлакатларидан қолишмайди. Бироқ мустақиллик бошида мамлакатда ҳукм сурган беқарорлик ана шу имкониятларни тўла ишга солиш учун имкон бермади.

Шу ўринда бир фикр кўнгилдан кечади: халқимизда «бошидан ўтган табиб», деган нақл бор. «Тинчлик», «хотиржамлик» каби тушунчалар қанчалик азиз эканини бугун ҳар бир Озарбойжон фарзанди яхши ҳис қилади.

(Давоми 2-бетда)

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

(Боши 1-бетда)

Икки қардош мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳамкорлигини юксалтиришда президентларнинг сайъ-ҳаракати алоҳида аҳамиятга эга. Сир эмас, 1996 йилгача мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларда бироз сокинлик кузатилган эди. Ўша йилнинг май ойида Президент Ислом Каримовнинг Кавказ мамлакатлари, хусусан, Озарбойжонга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги даврини бошлаб берди. Бўлиб ўтган музокаралар чоғида томонлар учун муҳим аҳамиятга эга талай ҳужжатлар имзоланди. Айниқса, Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома янгича муносабатларимиз асосини ташкил этди.

Икки мамлакат ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, солиқ, божхона, ҳаво, автомобил ва темирйўл алоқалари, юк ташиш, сайёҳлик каби кўплаб соҳалар бўйича ҳамкорликка оид ўнлаб ҳужжатлар имзоланган. Айни пайтда бу ҳужжатлар ҳаётда ўзининг амалий ижросини топаётгани мақсадларимиз муштараклигининг яна бир тасдиғидир. Мамлакатларимиз ўртасида ҳар томонлама алоқаларни кенгайтириш мақсадида икки давлат ҳукуматлараро қўшма комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон билан Озарбойжон халқаро майдонда ҳам турли халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирига ҳамкор давлатлар ҳисобланади.

Халқларимизнинг маданий ҳамкорлиги қадим-қадимдан яхши ривожланиб келганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу ҳамкорлик мустаҳкам пойдеворга эга.

Озарбойжон халқининг буюк сиймолари қолдирган маданий мерос халқимиз учун ҳам ғоят қадрлидир. Низомий, Фузулий асарларини ўзбек китобхонлари севиб мутолаа қилади. Уларнинг ғазалларини санъаткорларимиз севиб куйлайди. Ўз навбатида, ўзбек халқининг буюк шоирлари қолдирган санъат дурдоналари озарбойжон халқи учун ҳам азиздир. Тарихга назар ташласак, Алишер Навоий Низомий Ганжавийни, Фузулий эса Алишер Навоийни устоз деб билган. Насимий ва Машрабдек халқчил шоирлар тақдирдош. Буюк адибимиз Мақсуд Шайхзода ҳам ўзбек, ҳам озарбойжон фарзандидир. Зеро, бу ҳамкорлик халқларимизнинг маданий меросини фақат бойитган, унга ранг-баранглик бахш этган. Шу маънода Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг буюк сиймолари қолдирган нодир асарлар икки халқнинг умумий мулки ҳисобланади.

Орзулари бир-бирига эш бўлган икки қардош халқ ўзининг фаровон келажагини қуришдек эзгу мақсадлар билан қадам ташламоқда. Бу йўлда ҳамжиҳатликда иш кўриш, албатта хайрлидир. Озарбойжон Президенти Илҳом Алиевнинг мамлакатимизга ташрифи халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси

«Сурхондарё почтаси» акциядорлик жамиятининг Ангор туман филиали ўтган йили 7500 та турли матбуот нашрларини обуначиларга ўз вақтида етказиб берди. Бундан ташқари, 9300 нафар пенсионерга ҳар ойда 161 миллион сўм нафақа пуллари тарқатилди. Филиалнинг 18 та алоқа бўлимида хат, телеграмма каби почта жўнатмалари эгаларига ўз вақтида етиб бориши таъминланди. Йил якуни натижаси билан филиалга «Дамас» автомашинаси ва факс телефон аппарати мукофот сифатида берилди.

«МЕҲР БИЗДАН АВВАЛ БЎЛСИН»

Сидқидилдан қилинган меҳнатга яраша бундай муносиб рағбат ишчи-хизматчиларни руҳлантириб юборди. Меҳр ва мурувват йилини филиалнинг 50 нафар ишчи-хизматчилари «Меҳр аввал биздан бўлсин» деган шиор билан бошлашди. Айни кунда алоқачилар ҳар қачонгидан ҳам унумлироқ меҳнат қилишмоқда. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномаси ютуқлар гарови бўлиб хизмат қилмоқда. Унда ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида иш берувчининг мажбуриятлари ўз аксини топган. Жумладан, ҳар бир ходимга қулай меҳнат шароитлари яратиб берилган. Мавжуд 18 та алоқа бўлими ҳар томонлама қулай, шинам иш хоналарига эга. Тумандаги «Талимаржон-1», «Улуғбек», «Олға», «Кунчи қиз», «Қорасув», ва «Кайрон» алоқа бўлимлари хушхабарчилари ўз касбининг ҳаққоний жонкуярлари сифатида кўпчиликка ўрнак бўлишмоқда. Ишчи-хизматчилар иш ҳақини ўз вақтида олишмоқда. Илғор алоқа бўлими ходимлари ҳар байрамда бир ойлик маош миқдорида рағбатлантирилаяпти.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан саховат тадбирлари амалга оширилмоқда. Хабарчи Соатмурод Шобердиевнинг никоҳ тўйида 10 та энг кам иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам, 15 кун иш ҳақи сақланган ҳолда таътил, жамоанинг қимматбаҳо совға-саломлари берилди.

– Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Кўп болали Равшан Абдукаримов, Абдулла Яхшибоевларнинг фарзандларига 15 минг сўмлик ўқув дарсликлари олиб бердик. Жамоамиз фойдаси ҳисобидан меҳнат фахрийларга ҳар байрамда совға-саломлар улашиб келяпмиз, – дейди филиал бошлиғи Эшпўлат Бердиқулов.

– Ижтимоий ҳимоя ва рағбат фаолиятимиз мезонини ташкил этади. Шу ниятда ҳар йили ходимларимизга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун моддий кўмак бериб келяпмиз. Бетоб ишчиларга ҳам ёрдам уюштирилади, – дея суҳбатни давом эттиради бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Абдулла Яхшибоев.

Ишчи-хизматчиларга белгиланган жадвал асосида қонуний меҳнат таътилига қўшимча, иш стажига қараб 3 кундан 6 кунгача, никоҳдан ўтганларга 15 кун, янги уйга кўчиб кирганда, хонадонида фарзанд туғилганда 3 кунгача қўшимча таътил бериш жамоа шартномасига киритилди. Бундан ташқари, ишчи-хизматчиларга мукофот пуллари жорий этилган. Бу эса уларни янада самарали меҳнат қилишга даъват этмоқда. Жамоа шартномасига ходимларга пойабзал, кийим-бош, олиб берилди. Норменгали Алимардонов, Равшан Абдукаримов каби хабарчиларнинг фарзандлари бепул «Хўжанқо» оромгоҳида дам олдирилди. Касаба уюшма йўлланмаси билан Фахриддин Рўзиев ва Зафар Воҳобовлар энг баҳово сиҳатгоҳларда бепул саломатликларини тиклашди.

Хуллас, жамоада амалга оширилаётган эзгу ишларга раҳбарларнинг бағрикенглиги, касабақўмнинг ташаббускорлиги, асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири

Касаба уюшма ҳаёти

Излаган имкон топади

ШОҲИДАНИНГ РЕЖАЛАРИ

Тақдир экан Шоҳида Омонова Сайхунободнинг чекка қишлоқларидан бирига келин бўлиб тушди. Қишлоқ катта, у тенги ёшларнинг аксарияти уйга боғланиб қолган. Шаддод қизнинг эса ишлагиси келарди. Аммо иш бу ерда муаммо. Уйдагиларига иш ҳақида оғиз очганида, улар кулиб қўя қолишди.

Излаган имкон топади, деганларидек Шоҳида ҳам кўп ўйланди. Нима қилса, ўзи-ю атрофидаги ёш-яланларни ишга жалб этиш мумкин. Хаёлот кўчаларининг кўпига кириб чиқди. Бехосдан онасидан, бувисидан ўрганган чеварлигу миллий каштачилик юзасидан бирор ишга қўл уриш фикри чарх ура бошлади. Бу юмушни уйда бажариб мўмай даромад топиш ҳам мумкин. Аммо маблағ, ишни бошлашга ҳомий зарур эди. У шу хаёллар билан туман меҳнат бўлимига борди. Ўз режаларини ўртоқлашди. Таклифмулоҳазалари ташкилотдагиларга маъқул тушди. Бўлим ёрдами билан 2 та дастгоҳ харид қилинди.

Даставвал қишлоқдаги 11 нафар қиз тикиш-бичиш, миллий каштачилик, қуроқ каби анъанавий ҳунарга ўқитилди. Шоҳида Омонова уч ой мобайнида қизлар қўли билан маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйишдек масъулиятли ишни маромига етказди. Меҳнат бўлими эса уларни ойлик билан таъминлаб турди.

- Шундай қилиб уй шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш имконига эга бўлган кичик корхонамиз юзага келди, - дейди у биз билан суҳбатда - Бу билан чекланиб қолмадим. Гарчанд ўн бир нафар қиз иш билан таъминланган бўлсада, бу мени қаноатлантира олмади.

Чевар қиз яна тўқиз нафар иш ахтараётган хотин-қизни ўз атрофига бирлаштирди. Уларга ҳам сабоқ бера бошлади. Чеварлар сони 20 нафардан ошиб, бир жамоага бирлашишди. Улар тайёрлаган миллий мебеллар, бежирим қуроқлар, зардўзлик буюмлари кўпчилик эътиборини тортди. Ташаббус танловининг туман босқичида ғолибликни қўлга киритишди. Танловнинг вилоят босқичи ҳам ёш жамоа меҳнатини муносиб баҳолади.

Тадбиркор Шоҳида Омонова уддабуронлиги билан нафақат ўзига, балки ҳамқишлоқларига ҳам фойдали юмуш топди. Унинг режалари улкан. Келажакда қишлоқ аёлларининг барчасини ана шундай фойдали юмуш билан қамраб олишга аҳд қилган.

Н.ФАХРИДДИНОВ

ҚУВОНАРЛИ НАТИЖАЛАР

13-14 март кунлари ўтказилган республика умумхалқ ҳашарида Бухоро вилоятида 777,8 минг туп манзарали ва 478,5 минг туп мевали дарахтлар ҳамда олти юз минг тупдан зиёд гул кўчатлари экилди.

- Тозалаш ва ободонлаштириш борасида жойларда катта ишлар бажарилди,-деди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг раҳбари Беҳбуд Жумаев «Туркистон-пресс» мухбирига.-2,2 минг гектар майдон ободонлаштирилди, 25 минг тоннадан зиёд маиший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди. Минг километрдан зиёд узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди.

Ҳашар кунларида қабристонларни ободонлаштириш борасида ҳам анча ишлар қилинди. Бундан ташқари, кам таъминланган оилалар, қаровчисиз қарилар ва ногиронларга 38,1 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. Ҳашар усулида 1,03 миллион квадрат метр уй-жойлар таъмирланди.

Б.Жумаевнинг таъкидлашича, жорий йилда «Маҳалла» жамғармаси маҳалла ва қишлоқларни ободонлаштириш, болалар спортини ривожлантириш учун 206 миллион сўм маблағ сарфлашни режалаштирмоқда. Маблағнинг бир қисми кам таъминланган оилаларга хайрия қилинади.

Қўшма корхона — хориж ишончи

ЖИЗЗАХ ҚУВУРЛАРИ

Жиззахдаги «ЛДС-Пласт» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган маҳсулотга бугунги кунда нафақат диёримизда, балки хорижда ҳам талабгорлар кўпайиб бормоқда. Германия, Эрон, Жанубий Корея, Россия, Тожикистон, Қозоғистон мамлакатлари шулар жумласидандир.

Ушбу корхонада 20 атмосфера босимига дош бера оладиган турли ҳажмдаги пластмасса қувурлар ишлаб чиқарилмоқда. Қўшма корхона жамоаси ўтган йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлади. Жорий йилнинг ўтган икки ойида эса 200 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Энг муҳими, буюртма асосида тайёрланган қувурлар омборда туриб қолмаяпти. Чунки истеъмолчилар маҳсулотга юқори баҳо беришаяпти.

Қувурлар бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашда ҳам ишлатилмоқда. Илгари полиэтилен хом ашёси корхонага четдан келтирилган бўлса, бир ярим йилдирки, ўзимизнинг Шўртандан олинмоқда.



– Корхонамизда иш уч сменада ташкил этилгач, - дейди корхона бош муҳандиси Бахтиёр Худойқулов. – Ҳар сменада 2-2,5 километр узунликдаги трубалар ишлаб чиқарилаяпти. Айниқса, маҳсулотимиз газлаштириш учун ҳам ишлатила бошлагач, буюртмачилар сони ортди. «Тошкентвилоятгаз», «Сурхонвилоятгаз», «Жиззахвилоятгаз» идоралари буюртмаларини сифатли қилиб бажараяпмиз. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 50-55 минг сўмга тўғри келаяпти.

Қўшма корхонада бўлганимизда Шукур Соҳибов бошлиқ смена ишчилари меҳнат қилишаётган экан. Барча иш жараёни компьютер орқали кузатиб борилади. Полиэтилен хом ашёси катта ва кичик бункерларга сўрилиб, махсус қурилмаларга жўнатилади. Уерда эса 200-220 даражали ҳароратда эритилиб, қолипларга оқиб боришини кузатдик.

– Касбимни севаман, - деб суҳбатни давом эттирди Ш.Соҳибов. – Цехимизда турли ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. Касбдошларим Бахтиёр Жўраев, Ғулом Элмуродовлар хизматидан барча мамнун.

32 кишининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш йўлида бошланғич касаба уюшма қўмитасининг фаолияти таҳсинга лойиқ бўлаётир. Хусусан, уларнинг маошлари ўз вақтида берилиши таъминланмоқда.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири
Суратда: қўшма корхона оператори Шукур Соҳибов иш жараёнида.

Ислоҳот мевалари

МАҲСУЛОТ ХОРИЖГА

Самарқанд туманидаги «Кишмиш» очиқ акциядорлик жамияти бундан бир неча йил муқаддам инқирозга юз тутган эди. Цехлар фаолияти тўхтаб қолиши сабаб ўнлаб ишчи ўринлари қисқартирилди. Корхонанинг қарзлари ҳам анчайин ошиб кетган, биргина солиқдан қарздорлик 40 миллион сўмни ташкил этар эди.

Инқироз исканжасидан қутулиш учун аввало жамиятни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг экспорт қилинишига эришиш мақсад қилиб қўйилди. Бунинг учун эса 1 миллион 280 минг АҚШ долларига хориждан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган замонавий технологиялар харид қилинди.

Биринчи навбатда цехларни жиҳозлашга киришилди. Италиядан келтирилган сокни тозалайдиган асбоб-ускуналар ўрнатилди. Ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш ва янги ишчи ўринларини ташкил этиш мақсадида Германия ҳамда Сербия ва Черногориядан келтирилган қўшимча линиялар ишга туширилди.

Айни пайтда корхонамиз ривожланиш йўлига ўтиб олди. Хом-ашёнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида 120 дан ортиқ фермер, ширкат хўжаликлари билан шартномалар имзоланди. Олдиндан жамият томонидан бўнак пуллари тўлаб борилди. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берувчиларда ҳам муаммолар туғилмади. Аксинча, улар иш билан таъминланиб, меҳнатлари қадр топди. Етиштирилган маҳсулот эса омборхоналарда туриб қолмади. Корхона ҳам турли қарзлардан халос бўлиб, йилни фойда билан якунлашга муваффақ бўлди.

Ҳозирда корхонамизда 12 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, Қозоғистон, Россия давлатларига экспорт қилинмоқда. Келажакда жамият имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда ички бозоримизни харидоргир маҳсулотлар билан таъминлашни режалаштирганмиз.

Жамиятда 160 нафар ишчи-ходим икки сменада меҳнат қилади. Мавсумда бажарилган ишлар ҳажмига қараб улар сони 400 нафардан ҳам ошиши мумкин. Ўртача ойлик 40 минг сўмни ташкил этади. Меҳнаткашларимизнинг ишга келиб-кетишлари учун махсус автотранспорт воситаси ажратилган.

Корхона ҳисобидан бепул тушлик, махсус кийим-бош бериб борилмоқда. Бундан ташқари, жамиятнинг 73 минг дона акциялари мавжуд бўлиб, ҳозирда акция пакетлари тўлиқ жойлаштирилган. Уларнинг маълум қисмини Американинг «Дионис–ИНК» компанияси сотиб олди. Ишчи-ходимларимиз эса акциялардан яхшигина дивидент олишиб, мўмай даромад кўришди.

Айша САИДУМАРОВА,
«Кишмиш» очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси

Бандлик дастури — амалда

ТАДБИРКОР

ҳисобидан қўшимча иш ўринлари

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва унинг тизимидаги ташкилотларга ҳар куни кўплаб кишилар мурожаат қиладилар. Ишсизлик, ногиронлик муаммолари, нафақа таъминоти, хуллас, ҳаммаси ижтимоий соҳага оид масалалар.

Аҳолининг ишсиз қатламини ижтимоий ҳимоялашга мамлакатимизда эътибор катта. Буни «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун, «Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш ва ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом қабул қилингани, уларнинг ижроси таъминланаётганидан ҳам англаш мумкин. Зеро, бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилидан бири-ижтимоий муҳофаза соҳа вакилларига масъулият юклайди.

Ўтган йили бошқармамиз томонидан 49781 нафар иш қидирувчи рўйхатга олинган эди. Уларнинг 80 фоизга яқини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилди. Янги иш ўринлари яратиш борасида кўпроқ кичик ва хусусий бизнес соҳасига таянилмоқда.

Бошқармамиз банклар билан самарали ҳамкорлик қилади. Кредит линиялари очиш орқали ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, янги иш ўринлари яратиляпти. Биргина оилавий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш эвазига юздан ортиқ янги иш ўрни юзага келди.

Бу борада «Бўш иш ўринлари ярмаркалари» ўтказилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бундай тадбирлар шаҳар ва туман ҳокимликлари, прокуратура органлари ва кўплаб корхона, ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди. Йил мобайнида уюштирилган 68 та ярмаркада 10549 нафар киши ишга жойлаштирилди.

Нозирларимиз қишлоқма-қишлоқ, уйма-уй юриб, бозор шароитида рақобатлаша олмайдиганларни фуқароларни аниқлаяптилар. Бунда ички ишлар бўлимларининг кўмаги катта бўлаяпти. Ўтган йили шу йўл билан 14075 киши квота иш ўринларига эга бўлди. Ногиронларнинг керакли техник воситаларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш, саломатлигини яхшилаш борасида ҳам кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди.

Бундай ишларда ўтган йили бизга «Самаритян перст» халқаро хайрия ташкилоти катта ёрдам берди ва ногиронларни 134 та аравача, 300 дан зиёд қўлтиқтаёқ ва ҳасса билан таъминлади.

Ўтган йил мобайнида вилоятда истиқомат қилувчи 40 минг нафарга яқин ёлғиз кекса, фахрий ва ногиронга ҳудудий маиший хизмат маркази, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан сартарошхона, кимёвий тозалаш, ҳаммом ва кир ювиш хизматларига ҳақ тўлаш белгиланган прейскурантнинг 30 фоиз миқдорида чегирмалар берилди. 1000 нафардан ортиқ ногирон ва фахрий турли сиҳатгоҳларда саломатликларини тиклаб қайтишди.

Жорий йилда бундай ҳаракатлар ҳам салмоқ, ҳам сифат жиҳатидан янгича мазмун кашф этиши табиий. Ушбу мақсадда дастур тузилиб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Фахриддин ФАЗЛИЕВ,
Самарқанд вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи

ЮРТ ИШҚИ

Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида Қоракўл туманидаги корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан мактабларга 21,31 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Бугунги кунда туманда 47 та умумтаълим мактаблари, мактаб интернат ва иқтидорли болалар мактаби фаолият кўрсатмоқда. Уларда жами 32,64 минг нафар ўқувчи таҳсил олаётир.

Туман халқ таълими бўлимидан маълум қилишларича, жорий йилда туман мактаблари ўқувчилари республика ва вилоят олимпиадаларида муваффақиятли қатнашишди.

«Туркистон-пресс»

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак

ФЕРМЕР СОВҒАСИ



2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши саховатталаб юртдошларимизни хайрли ишларга ундади. Яккабоғлик фермер Камолиддин Жавлиев маҳалладоши, болаликдан ногирон Холмурод Хидировга аравача ҳадя этди.

Маҳалламизда 2410 нафар аҳоли бўлиб, улар 550 оилага бириккан, – дейди «Чўмич» фуқаролар йиғини раиси Азамат Жавлиев. – Ночор оилалар маҳалладаги тадбиркор ва фермерларга биркитилган. Айни чоғда улар беминнат ёрдамни дилдан ҳис қилиб яшашмоқда. Жумладан, «Чўмич» фермер хўжалиги раҳбари Камолиддин Жавлиевнинг маҳалладоши Холмурод Хидировга кўрсатган кўмагидан қалбимиз қувончга тўлди.

Дарҳақиқат, 15 киши меҳнат қилаётган кичик жамоанинг хайрли ва савобли ишларидан тумандагилар мамнун. Негаки, 31 гектар ерда деҳқончилик қилаётган фермер хўжалиги ўтган йилни катта даромад билан якунлаб, олинган фойданинг бир қисми меҳр-саховат ишларига сарфлади. Маҳалладаги 50 га яқин кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, Чори Абдиев, Одил Михлиевлар раҳбарлик қилаётган фермер хўжаликлари, «Жаъфаршо», «Океан» хусусий корхоналари ҳам муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаб туришибди.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири
Суратда: Холмурод Хидировга ногиронлик аравачаси топшириш пайти

ҲАР ТУНУНГ ҚАДР ЎЛУБОН, ҲАР КУНУНГ ЎЛСУН НАВРЎЗ

«ДЕҲҚОНКИ, ДОНА СОЧАР...»

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Шамсиддин Эсонбоев:

— Она заминнинг яшнаши, яшариши, тупрокдан майса-гиёхларнинг бош кўтариши, ерга барака уруғи тушиши билан бошланадиган муборак айём Наврўзи оламдир. Азал-азалдан аждодларимизнинг Наврўзда она заминни тавоф этиб, унга барака уруғи қадашлари, ерни улуғлаб, ундан мўъжизалар яратган бободеҳконни шарафлашлари замирида катта тарихий ҳақиқат бор.

Аҳолисининг ярмидан кўпи, даромадининг салмоқли улуши, озиқ-овқат таъминоти, етакчи саноат тармоқлари, экспорт ресурслари ва валюта тушумларининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган республикамизда бугунги кунда ҳам жамиятнинг ижтимоий таянчи, етакчи кучи ҳеч муболағасиз агросаноат ходимлари меҳнатига боғлиқ. Негаки, деҳқон жамият ва табиатни бир-бирига боғлаб турувчи мустаҳкам ҳалқадир. Шу боис деҳқон азалдан юрт бойлиги, эл тўкинлиги гарови бўлиб келган.

Унинг буюк яратувчилик салоҳияти, олижаноб маънавий-ахлоқий фазилатлари Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифда таърифу тавсиф қилинган. Миллий маданиятимиз дурдонаси бўлмиш «Авесто»да «Кимда ким буғдой экса, у ҳақиқатни эккай! Қайси бир хонадонда буғдой унса, у хонадондан ёвузлик узоқлашгай», дейилса, ҳазрат Алишер Навоий «Маҳбубул-қулуб» асарида «Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ ила ризқ йўлин очар... Олам маъмурлиги олардин, олам аҳли масрурлиги олардин. Ҳар қаёнки қилсалар ҳаракат, элга қут еткургайлар, ҳам барокат», дея бободеҳқон шаънини юксакларга кўтарган. Бу ҳикматлар бугун ҳам замин заҳматкашларини эзгуликка чорламоқда.

Республикамиз агросаноат мажмуи ходимлари ҳам нашъу наволи байрамимиз - Наврўзни ёруғ юз билан қаршиламоқдалар. Уфққа туташиб кетган далаларда деҳқонлар ерга барака уруғи қадашга киришдилар, соҳибкорлар эртанги ҳосил тараддудида, боғбонлар гулга кирган ҳар дарахт атрофида парвона, пиллачилар мавсумнинг илк ҳосили баракали бўлиши учун ҳаракатни жадаллаштирмоқдалар. Чўпон-чўлиқлар эса ям-яшил қир-адирларда сурувларни ўтлатаркан, бу йилги қўзилатиш мавсуми беталофат ўтганидан кўнгиллари шод. Чорвадор фермерлар элнинг байрам дастурхонини обод қилиш ҳаракатида. Хуллас, қай гўшага борманг, меҳр ва саховат байрами - Наврўз нафасини ҳис этасиз.

Байрам олдидан уюштирилган умумхалқ ҳашарида кенг кўламда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирлари амалга оширилди. Тизимимиздаги касаба уюшма фаолларининг бевосита ташаббускорлиги ва саъй-ҳаракати билан 13-14 март - Умумхалқ ҳашари куни минглаб гектар боғ-роғлар яратилди. Дов-дарахтларга ишлов берилиб, ариқзовурлар тозаланди, қабристонлар ободонлаштирилди. Меҳр-саховатга муҳтож нуронийлар, беморлар, ногиронлар йўқланди. Камхарж оилаларга хайр-эҳсонлар кўрсатилди.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухорода Наврўз тадбирлари Меҳрибонлик, Саховат уйлари, якка-ёлғиз, кексалар, ногиронлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан бошланди. Вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси Юсуф Курбоновнинг бевосита саъй-ҳаракатлари ва ташкилотчилиги туфайли 129 та кам таъминланган оилага ҳозиргача 300 минг сўмдан ортиқ Наврўз совғалари улашилди. Бухоро шаҳридаги ихтисослаштирилган болалар ва қариялар уйларига, Ғиждувондаги Меҳрибонлик, Қоракўлдаги эркаклар Мурувват уйларига вилоят қўмитаси томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. 500 минг сўмлик рангли телевизор, китоб ва ўқув қуроллари олиб берилди.

Тошкент вилояти тармоқ касаба уюшмаси эса Меҳр ва мурувват йили муносабати, Наврўз байрами олдидан «Орол бўйи минтақаси оналари ва болаларига!» шиори остида ҳашар уюштиришди. Дастлаб жойларда «Камолот» ижтимоий ҳаракати, «Экосан» ва «Маҳалла» жамғармалари билан ҳамкорликда ҳашарнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, ораслик ва озодаликни тарғиб қилиш, атроф-муҳитни экологик жиҳатдан тозалигини сақлашда амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинди.

Вилоятнинг барча туманларида умумхалқ ҳашари кўтаринки руҳда ўтказилди. Шу куни Оҳангарон туманида 72 минг квадрат метр ҳудуд ободонлаштирилди. Шунингдек, 1400 тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиб, гулзорлар барпо этилди. Ҳашарда тармоқ меҳнаткашларидан 2350 нафар киши қатнашди. Чиноз туманида ўтказилган ҳашарда эса 5260 киши фаол қатнашиб, 568 минг сўм «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисобига ўтказилди.

Паркентда ўтказилган ҳашарда тармоққа қарашли 103 та ташкилот, корхона ва муассасаларнинг минглаб ишчи-хизматчилари қатна-



шиб, 25 минг туп мевали, 5 минг туп атиргул ва 2 минг туп арча кўчатлари ўтқазишди. Шу куни 2 миллион 400 минг сўмлик иш бажарилди.

Наврўз ўз номи билан меҳр-оқибат, саховат ва мурувват айёмидир. Бу муборак байрам тантаналаридан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Шу боис жойларда тантаналарга бош-қош бўлаётган касабақўмларимиз тадбирларда иштирок этолмаётган ногирон, хаста ва кексалар хонадонларида ҳам бўлиб, Наврўз совғаларини инъом этиб, шикаста кўнгилларга қувонч бахш этмоқдалар. Бу борада Андижон вилоятида режалаштирилган савобли ишлар дастури кишини қувонтиради. Энг аввал касаба уюшма тармоқларида ишлаган фахрийлар, шунингдек, тизимда ишлаб, эл-юрт манфаати учун улуғ ишлар қилган, айни кунда ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига байрам дастурхони ёзилиб, совға-саломлар уюштирилади. «Наврўз-2004» тадбирида эса 150 кишилик байрам дастурхони ёзилади. Бу савоб ишга 400 минг сўм маблағ сарфланади.

Шунингдек, салмоқли маблағ сарфлаб, кам таъминланган оила фарзандлари учун 7 та никоҳ, 17 та суннат тўйлари ўтказилади. Бундан ташқари, 160 та жойда нафақага кузатиш тадбирлари байрам тантаналарига уланиб кетади. Кам таъминланган оилаларга 8 миллион сўмлик моддий ёрдам уюштирилади.

Жиззах вилоятида ҳам Наврўз шодиёналари меҳр-мурувват ва спорт тадбирларига уланиб кетди. Байрам олдидан барча ногирон ва беморлар, нуроний-фахрийлар, етим-есирларга ҳадялар улашилди. Бахмалда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 10 нафар келин-куёвларнинг никоҳ, 10 нафар ўғлонларнинг суннат тўйлари ўтказилди. Туман касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан 2 келин-куёвга даволаниб, саломатликларини тиклашлари учун «Умид гулшани» санаторийсига бепул йўлланма берилди. Бундан ташқари, 50 та кам таъминланган оилага бир қопдан ун, 50 оилага 100 килограммдан буғдой, 100 та оилага табиий газ, электр энергияси, телефон, ичимлик сувидан бепул фойдаланиш имконияти яратилди.

Фориш туманида эса 50 та кам даромадли, шароити оғир, ёрдамга муҳтож оилаларнинг ҳар бирига 10 минг сўмдан ёрдам пули берилди. 10 нафар етимларнинг суннат тўйи ўтказилиб, ҳар бирига 12 минг сўмдан совға-салом ва банкда улар номига ҳисоб рақами очилиб, 10 минг сўмдан маблағ қўйилди. Шунингдек, туманда «Санамлар саргузашти» деб номланган кўрик-танлов ўтказилди. Ғолибларга тармоқ қўмитасининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Бундан ташқари, туманда 10 нафар келин-куёвларнинг никоҳ тўйларини ўтказиш ҳам Наврўз тадбирлари дастурига киритилган.

Навоий вилоятида Меҳр ва мурувват йили муносабати билан ўтказиладиган байрам дастури саховат, меҳр-оқибат, инсонпарварлик, дўстлик ва бирдамликка бағишланади. Аввало Наврўзолди тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. 20 февралдан 20 апрелгача «Кўчат, гул экиш, боғ яратиш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги»ни уюшқоқлик билан ўтказиш учун мурожаатнома қабул қилинди. Бу чақириққа биринчилар қатори тармоқ касаба уюшма қўмиталари «лаббай» деб жавоб беришди. Барча маҳалла, қишлоқларда, ташкилот ва корхоналарда, ўқув юртларида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирлари ўтказилиб, юз гектардан ортиқ боғ-роғ, гулзорлар барпо этилди.

Наврўз дўстлик, биродарлик, бирлик ва бирдамлик айёми. Вилоятда яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг дўстлик ришталарини янада мустаҳкамроқ боғлаш мақсадида дўстлик кечалари, учрашувлар ўтказилади, халқ сайллари уюштирилиб, биродарлик меҳр-мурувват туйғулари ила сайқалланади.

Кармана туманидаги «Ёшлик» истироҳат боғида «Бир болага етти қўшни ота-она» тадбири, Навбаҳор туманидаги Бешработ қўрғонида 40 нафар кам таъминланган оила фарзандлари учун суннат тўйи, Нурота тумани ўйингоҳида катта байрам шодиёнаси ўтказилади. Шунингдек, Саидота қишлоғида кўпкари ўйинлари уюштирилиб, унга қўшни вилоятлардан ҳам чавандозлар таклиф қилинади.

Бундан ташқари, 492 нафар ёлғиз, ўзгалар парваришига муҳтож қарияларга моддий ёрдам берилади. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига совғалар ҳадя этилиб, кам таъминланган оилаларга 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар олиб берилади.

Мамлакатимизнинг Жанубий чегараси Сурхон воҳасида байрам тадбирлари анча барвақт бошланди. Қир-адирлар, тоғ этакларида бўлиб ўтган Наврўз шодиёналари санъат ва спорт байрамларига айланиб кетди. Тармоқ касаба уюшма қўмиталари ва ҳомий ташкилотлар томонидан спорт тадбирларига 2 миллион 643 минг сўм, моддий ёрдам уюштириш учун 3 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди.

Хуллас, Наврўз эзгулик, меҳр-оқибат, миллий қадриятлар, дўстлик, спорт байрами сифатида байрам қилинмоқда. Бу савобли ишда тармоқ касаба уюшмамиз фаолларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан мамнунмиз. Зотан, доно бобомиз Умар Хайём ҳам «Наврўзни ким шодхуррамлик билан қаршиласа, келаси Наврўзгача умри хурсандчилик ва шодлик билан ўтиши муқаррардир», деганлар.

Келинглар, азизлар, энг гўзал айёмимиз Наврўзни ёруғ юз, эзгу ниятлар билан қаршилайлик.

Суҳбатдош: Амина ҚОДИРОВА

ЙЎЛЛАР БЎЙИ АНВОЙИ ГУЛЛАР

Сурхон воҳасининг Жарқўрғон тумани меҳнаткашлари Наврўз байрамини шоду хуррамлик билан кутиб олиш мақсадида туманда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор бермоқдалар. Туман марказидан ўтувчи шоҳ кўча янада кенгайтирилди. Йўл ёқаларига манзарали дарахтлар ва анвойи гуллар ўтқазилди.

Бу савобли ишда йўл таъмирлаш хўжалиги пудратчиларининг хизмати беқиёсдир.

– Ходимларимиз ҳар йили Наврўзга ўзгача бир иштиёқ билан ҳозирлик кўради,–дейди туман йўл таъмирлаш хўжалиги директори Абдурайим Мамадалиев. – Бугунгача кўкаламзорлаштириш учун 1,5 миллион сўмлик иш бажардик. Йўл бўйларига 2100 туп дарахт ўтқаздик. Тошкентдан ҳар хил гул уруғлари келтирилиб, йўл четларида гулзорлар барпо этдик. Бу ишларимиз туман аҳолисига байрам совғамиздир.

Дарҳақиқат, корхона йилдан-йилга юксалиб, ривож топиб бормоқда. Ишда юксак самарадорлик ва сифатга эришилмоқда. Аҳил жамоа тасарруфида 178 километр автомобил йўллари бўлиб, шундан 58 километри халқаро аҳамиятга, 76 километри давлат аҳамиятига эга йўллар тоифасига киради. Қолганлари эса вилоят ва маҳаллий йўлларни ташкил этади.

Айтиш жоизки, қурилиш-ускуналаш тадбирлари кўлами анча кенгайди. Тумандаги 4 та қишлоқ фуқаролар йиғини ички йўллари қайта таъмирланиб асфалтланди.

Албатта, қаерда иш яхши ташкил этилса, шу жойда самара кўнгилдагидек бўлади. Буни ушбу корхона мисолида яққол кўришингиз мумкин. Аввалambор йўлсозлар замонавий технологияларни жорий этиш, қурилиш-таъмирлаш юмушлари таннархини камайтириш борасида ижобий силжишларга эришди. Шу боис корхонада даромад харажатга нисбатан кескин ошмоқда. Тадбиркорлик, янгиликларга интилиш самара беряпти. Илгарилари четдан, узоқдан нефт қопламаси (битум) келтирилганлиги боис йўл харажатлари ошиб кетар эди. Эндиликда эса Жарқўрғон нефтидан олинган хомашё ҳисобига катта маблағ тежалмоқда. Бунинг эвазига ходимлар турмуш шароитини яхшилашга эътибор кучайтирилмоқда. Фахрийлар, ногирон ва ёрдамга муҳтож кишилар қўллаб-қувватланмоқда. Ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш доимий эътиборда турибди. Ходимларга мукофот ва ёрдам пуллари берилмоқда.

Кекса йўлчилар иззат-ҳурматда. Ф.Гумиргалиев, Н.Қурбонов, М.Хўжамқулов, Ю.Эшқувватов кабилар корхона маъмурияти ва касаба уюшма ғамхўрлигидан миннатдор.

Меҳнат жамоасида юзага келган соғлом маънавий-руҳий вазият, корхона раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитасининг ҳамкорликдаги фаолияти ютуқларни янада мустаҳкамлашга замин яратяпти. Савобли ва хайрли тадбирлар, одамларга меҳр-мурувват кўрсатиш янги муваффақиятларга етакламоқда.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» мухбири



БАҲОР МАДҲИ

Эса келди Шарқдан баҳорнинг ели,
Оламга очилди гўзаллик йўли.
Бўз ер ипорланди қору муз кетиб,
Безанади олам чирой кўрсатиб.

Ғолиб келди қишдан баҳор чиройи,
Янгидан қурилди баҳорнинг ёйи.

Қуёш қайтди яна келиб ўрнига –
Балиқ қуйруғидан Қўзи бурнига.

Баҳорга етишган дарахтлар сариқ, кўк, яшил ва қизил ранглар ёпиниб безанди.

Ер юзи ҳарир кийимлар кийган ёш қизлардай бўлиб ороланди. Бу гўё хилма-хил матоларни ортиб олган Чин карвонининг молини ёйган ҳолатига ўхшайди. Тоғлар, қирлар, далалар ҳам бутунлай яшил ва оқ рангларга бурканган. Минглаб гуллар, чечаклар ер остидан шодиёна бош кўтаришди. Бутун олам муаттар ҳидларга тўлди.

«Қутадғу билиг»дан

246 МИЛЛИОН СЎМЛИК ДАРСЛИК

Умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синф ҳамда Меҳрибонлик уйи ва махсус мактаб-интернатлари ўқувчилари учун, шунингдек, кутубхоналар фондларига дарсликлар сотиб олиш учун 246 миллион сўмлик маблағ Жиззах вилояти маҳаллий бюджетидан ажратилиши режалаштирилган эди. Наврўз муносабати билан 1-синф ўқувчилари учун 83 миллион сўмлик, кутубхона заҳиралари учун 163 миллион сўмлик дарсликлар олиниб, режа бажарилди.

ХОТИРА ТУРНИРИ

Дўстлик туманидаги Ф.Хўжаев номли 6-умумий ўрта таълим мактабида Наврўзи оламга бағишлаб каратэ бўйича хотира турнири бўлиб ўтди. Вилоят миқёсида ўтказилган ушбу турнирда 120 нафар ўқувчи иштирок этди. Мактабнинг собиқ ўқувчиси, байналмилалчи жангчи марҳум Қаҳрамон Иноятов хотирасига бағишлаб ўтказилган турнирда туман каратэчиларининг кўли баланд келди. Ғолибларга таълим ва фан ходимлари касаба уюшма туман қўмитаси томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

З.РАҲИМОВА

ДИЛЛАР ДИЛГА БОҒЛАНГАН КУН

Наврўз тонготари эди...

Деҳқонбобо далага чиқди. Нам тупроқни кафтига олиб, эзғилаб кўрди. «Етилибди!» деди. Кўнгли тўлиб, кўзи қувонди. Юрагида бир соғинчни туйди. Ҳеч киши далани деҳқончалик соғина билмас.

Чақалоқ йиғлади. Келинчак уйқули кўзларини ишқаб, бешик тебратди. Бола кўнмади. Келинчак алла айтди. Унинг нозик товушини тонг шамоли узоқларга олиб учди. Гўдак ухлади.

Дераза ойнасини кимдир чертди. Иш тикиб ўтирган қиз чўчиб тушди. Туриб қараса, ҳеч ким йўқ. Дераза рахида бир боғлам бойчечак ётарди. Қиз уни олиб ҳидлади, сўнг юзларига босди. Юзлари ёнди. Ширин энтикди. Чала қолган каштасини тезроқ битказишга ошиқди.


Момо дарвозани катта қилиб очди. Ўзича дуолар ўқиб, тонг фаришталарини чорлади. Сўнг ҳовучларини юзига тортиб, янги кунга яхшилик тилади...

Сумалак етилиб пишди. Қозон қопқоғи очилди. Ҳовлига хуш ис таралди. Кекса аёл «Бисмиллоҳ»-ни айтиб қозонга чўмич солди. Жажжи пиёлаларга қатор қилиб сумалак сузилди. Бу идишчалар дастлаб ён, атрофдаги кексалар, камдармон ва беморларнинг хонадонларига тарқатилди. Шу қутлуғ таом сабаб кўнгиллар овланди, қалблар бир-бирига янада яқин бўлди...

— Наврўзнинг ҳар бир лаҳзасида юз хосият бор, - дейди момом.

— Бу кун билан боғлиқ афсонаю ҳикматлар кўп, - дейди бобом.

Айтишларича, қадимда бир қишлоқда иккита бой яшаркан. Бирини Тиллоли бой, иккинчисини Ғаллали бой дейишаркан. Тиллоли бой жуда димоғдор, Наврўз кунларида ерга дон сепаётган деҳқонлар устидан кулиб «буғдой - арпа ҳам бойлик бўладими?» деркан. Фалакнинг гардиши билан бир йили қурғоқчилик бўлиб, ҳосил камайиб кетибди. Тиллоли бой Ғаллали бойга бош эгиб, барча олтин-



лари эвазига дон беришини сўраб борибди. Ўшандан сўнг Тиллоли бой ҳам димоғдорликни ташлаб, ҳар йили эрта кўкламда ерга дон-дун сочар экан.

... Болалик кезларимда ҳар йилги Наврўз куни онамнинг товушини эшитиб уйғонардик.

— Турақолинглар, сайилга кеч қоламиз!

Юзларимизни ювиб, сўнг тахмондан саруполаримизни олардик. Атлас кўйлак, бахмал нимча, чамангул дўппи... Ясаниб кўчага чиқамиз. Наврўз тонги бизга жуда кўп нарсаларни ваъда этаётгандек бўларди. Атроф шунчалар гўзал, уйғонаётган борлиқ сеҳри кўзларимизни яшнатади, дилимизга қувонч солади. Қизғалдоқлар эрталабки саломга чиққан каби оҳиста тебранади. Кенгликлар бағри ям-яшил гилам, биз эса шу майсазорлар ичра югурардик. Аслида аллақачон ёшу қари йиғилган. Сайил «келин салом» билан бошланади. Кекса момо янги келинчакнинг юзларига ҳарир парда тортиб қўяди, сўнг ўртага чиқиб «салом»га чоғланади:

Қуллуқ бўлсин Наврўзжон,
Нонга тўлсин дастурхон,
Юрт бўлсин тинч ва омон,
Келин салом,
Ҳамма-ҳаммага салом!

Келинчаклар заррин пардалари ортидан ним табассум қилиб, саломга эгилишади.

Нариги қир томондан «Келинглар-ей» деган ҳайқириқ эшитилади. Бу - кўпкари бошланганидан дарак. Кўпчилик чавандозлар беллашувини кўришга ошиқишади. «Қизқувди» ҳам шу куни бўлади. Қўлидаги дуррачасини шамолда ҳилпиратиб от устида кетаётган сулув қиз ортидан келаётган йигитга тутқич бермаслиги керак. Бордию чавандоз йигит қизни қувиб етиб, қўлидан рўмолни олса, тез кунда тўйга тараддуд бошланади. «Қизқувди»нинг шарти шу!

Момом яна Наврўз ҳикматларидан сўз очади. Шу айём тонгини киши яхши кайфият билан қарши олса, келгуси Наврўзгача ўйнаб-кулиб юраркан. Бефарзанд келинчаклар Наврўз куни сумалак қозони атрофини етти марта айланиб Оллоҳдан фарзанд сўрашса, ниятлари ижобат бўлур экан. Шу куни зиракларига буғдой майсасини илдириб олган қизлар ўзлари ёқтирган кишига турмушга чиқармиш.

Дилларни дилларга боғлагувчи, жамики яхшиликларга йўл олгувчи янги кун – Наврўзи олам барчамизга қутлуғ бўлсин...

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА



Бор бўл, меҳру оқибат!

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР ФАРЗАНДЛАРИ УЧУН

Пахтакор туманидаги 31-мактаб-интернат 1995 йили ташкил этилган. Бу ерда кам таъминланган ҳамда кўп болали оилалар фарзандлари таълим-тарбия олишади. 32 нафар ўқитувчи ва 20 нафар тарбиячи 462 нафар ўқувчиларга дарс беришади. Билим масканида болаларнинг етарли шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. 12 та тўгарак мунтазам фаолият кўрсатиб турибди. «Ҳумо» бадиий ҳаваскорлик дастаси аъзолари туман, вилоят миқёсида ўтказилаётган байрам тадбирларида фаол иштирок этишмоқда. 160 нафар ўғил-қиз тўгарак қатнашчилари ҳисобланишади. Саодат Бобоназарова раҳбарлигидаги зардўзлик тўгараги қатнашчилари қадимий миллий ҳунармандчилик сир-асрорларини ўрганишмоқда.

- Ҳомий ташкилотлар кўмагидан мамнунмиз, - дейди мактаб-интернат касаба уюшма қўмитаси раиси Баҳодир Ражабов. - Туман ҳокимининг саъй-ҳаракати билан 900 минг сўмлик рақс либослари ва тўнлар олиб берилди. Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан 300 минг сўмлик спорт анжомлари ҳадя этилди. «Улғуржисавдо» ташкилоти 250 минг сўмлик байрам дастурхони уюштирди.

Мактабга ҳомийлик қилиш истагини билдираётган ташкилотлар анчагина. Туман ички ишлар бўлими, балиқчилик хўжалиги, фермер хўжаликлари полиз ва сабзавот, балиқ маҳсулотлари етказиб беришмоқда. «Экосан» жамғармаси, Қизил Ярим Ой жамияти, «Соғлом авлод» жамғармаси кўрсатаётган саховатпешалик диққатга сазовордир. Биргина «Экосан» жамғармаси бир миллион сўмлик мурувват кўрсатди.

Наврўз байрами муносабати билан бу ерда қатор тадбирлар бўлиб ўтмоқда. «Балли, йигитлар», «Маликабону» каби беллашувлар ўқувчиларда катта таассурот қолдиряпти. «Миллий таомлар», «Ватан туйғуси - ёш рассомлар нигоҳида» каби кўрик-танловлар натижаларига кўра Феруз Саидов, Жавоҳир Ашуров, Рўшана Ниёзхўжаева сингари ўқувчиларнинг кўргазмалари юқори баҳоланди.

Биология фани ўқитувчиси Мушарраф Мухторова раҳбарлигида мактаб ўқувчилари «Томчи сувда ҳаёт жилваси» кўрик-танловининг туман, вилоят, шунингдек, республика босқичларида муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар.

Мактабда спортга алоҳида эътибор қаратилган. Туман марказий футбол стадиони мактаб ёнгинасида. Болалар спортнинг ўнлаб турлари билан мунтазам шуғулланишлари учун имконият мавжуд. Шунинг учун ҳам «Умид ниҳоллари» мусобақаларида мактаб спортчилари фаол қатнашмоқдалар.

Шу билан бирга баскетбол, футбол турлари бўйича юқори натижаларга эришилмоқда. Пахтакор туманида яхшигина бокс мактаби барпо этилган. Бу ерда ўз ишининг ҳақиқий фидойилари фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби Баҳодир Мирзақулов бошчилигида ёш боксчилар сафи тобора кенгайиб бораётир. Улар орасида мактаб-интернат ўқувчилари ҳам бор.

- Вилоятнинг барча туманларидан болалар келиб ўқишмоқда, - дейди мактаб раҳбари Ольга Борисовна Хван. - 80 нафар бола ётоқхонага жойлаштирилган. Болалар тўрт маҳал иссиқ овқат билан бепул таъминланган. Телевизор, радио бор. Мураббийлар томонидан ҳар куни режа асосида кўнгилочар тадбирлар ўтказилмоқда. Тадбир ҳомийси - мактаб касаба уюшма қўмитаси ҳисобланади. Қўмита ҳомийлигида республикамиз шаҳарларига болаларнинг саёҳатлари уюштирилмоқда. Ёзги болалар оромгоҳларига бепул йўлланмалар бериб борилаяпти.

Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири

Бир Фармон шарофати

ҲОМИЙЛАР КЎМАГИДА
янги иншоотлар

Эртанги кунимиз, миллатимиз келажаги фарзандларимизнинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол воягa етишига боғлиқ. Болалар спортини ривожлантиришдан асосий мақсад, аввало соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш авлодни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдан иборатдир.

Ёшлар тарбиясида маҳалланинг роли беқиёс. Ёшларни миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни ҳурмат қилиш, асраб-авайлаб янада ривожлантириш йўлида одобли, меҳнатсевар, ўз халқи ва ватанини севадиган инсонлар қилиб тарбиялаш маҳаллалар олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Бу борада маҳаллаларимизда кўплаб амалий тадбирлар қилинмоқда. Ҳар бир маҳаллада ёшлар билан ишлаш комиссияси, тарбияси оғир болалар билан ишлаш жамоатчилик кенгашлари тузилган бўлиб, тарбиявий ишларни олиб боришяпти. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш ўринлики, маҳаллаларда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасида вилоятимиздаги 218 нафар педагог-тарбиячилар фаолияти таҳсинга лойиқ.

«Ҳар маҳаллада бир спорт мажмуи» дастури асосида сўнгги йилларда 121 та ташландиқ, қаровсиз қолган болалар ўйин майдончалари, спорт иншоотлари ҳашар йўли билан ҳомий ташкилотлар, тадбиркорлар ёрдамида таъмирланиб, тартибга келтирилди. Улар бугунги кунда болаларнинг севимли спорт масканларига айланган. Бунинг натижаси ўлароқ вилоятимиздаги 116 маҳаллада яшовчи 15 минг нафардан зиёд бола спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, каратэ, таэквандо, кураш, бокс, теннис, шоҳмот, шашка, сув спорти турлари бўйича мунтазам шуғулланмоқда. Бу иш, айниқса, Жиззах шаҳридаги «Ёшлик», «Кимёгар», «Маданият», «Иттифоқ», «Олмазор», «Жиззахлик» маҳаллаларида, Ғаллаорол туманидаги F.Ғулом номли, «Дўстлик», Фориш туманидаги «Ўзбекистон», Бахмал туманидаги «Дўстлик», Дўстлик туманидаги «Наврўз», Зарбдор туманидаги «Тинчлик» қишлоқларида яхши ташкил этилган. Хусусан, Жиззах шаҳридаги «Кимёгар» ҳамда Пахтакор туманидаги «Самарқанд» маҳаллаларида қуриб фойдаланишга топширилган спорт мажмуалари фаолиятидан кўпчилик мамнун.

Маҳалла болалари ўртасида «Футболимиз келажаги» турнири ва «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Биргина «Футболимиз келажаги» беллашувларида 18 минг нафардан ортиқ бола иштирок этиб, бутун ёз давомида футболга ошно бўлди. Жиззах шаҳридаги «Олмазор» маҳалласи болалари республика финал босқичида 3-ўринни эгаллашди ва бронза медали эгаси бўлди.

Миллий кураш ва белбоғли кураш мусобақаларида 4640 дан ортиқ ўғил-қизимиз қатнашди. «Соғлом оила» беллашувларида эса 12 минг бола, 154 та оила иштирок этди. Республика босқичида зарбдорлик Бўриевлар оиласи совринли ўринни эгаллаб, телевизор билан тақдирланди.

Болалар спортини ривожлантиришга ҳомий ташкилотлар томонидан 5 миллион 750 минг сўм сарфланган бўлса, «Маҳалла» жамғармаси томонидан 1 миллион 513 минг сўмлик спорт жиҳозлари олиб берилди.

Феруза КАРИМОВА,
«Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими масъул котиби

ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР КЎКСИДА
медаллар шодаси


Болалар спортини ривожлантириш мамлакатимиз ёшларининг баркамол, соғлом ўсиб-улғайишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мактабимизда 956 бола таълим-тарбия олади. Уларга 55 нафар ўқитувчи таълим-тарбия беради. Иқтидорли ўқувчи-ёшларимизнинг спортга бўлган эътибори, қизиқиши ортмоқда. Ҳар бир ўқувчи спортнинг у ёки бу тури билан машғул. Мураббийлар У.Йўлдошев, У.Қодиров, А.Турсунов, А.Тошмуродовлар фаолиятидан кўпчилик мамнун. Волейбол, баскетбол, қўл тўпи, шоҳмот, стол тенниси ўйинлари ривож топмоқда.

Шуниси қувончлики, Хоразмда ўтказилган «Умид ниҳоллари» мусобақаларида иштирок этган Жасур Абдуллаев, Бўлат Довитшинлар шоҳмот бўйича фахрли ўринларни қўлга киритди. Спортнинг каратэ, таэквандо турлари бўйича вилоят ва республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда М.Расулова, И.Бурхонов каби ўқувчиларимиз кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишди. Мактабимиз музейи ёш спортчиларимиз қўлга киритган медаллар шодаси билан бойиб бормоқда. Албатта, муваффақият, аввало шарт-шароит ҳосиласидир. Айниқса, жойларда болалар спортини ривожлантириш жамғармалари ташкил этилгач, ишларимиз янада жонланиб бормоқда.

Дилором ҲАМРОҚУЛОВА,
Жиззах шаҳридаги Беруний номли иқтидорли болалар мактаби директори

Умид юлдузлари



ОРЗУИНГ УШАЛСИН, БЕҲЗОД!

Беҳзод Муродов эндигина ўн уч ёшга тўлди. У Мирзачўл туманидаги 12-ўрта мактабнинг 7-синфида ўқийди. Спортга бўлган қизиқиш Беҳзодда эрта уйғонди.

Отасини ҳамқишлоқлари «Ҳосил-боксёр» деб чақиришади. Бунинг боиси бор, албатта. У бокс бўйича усталикка номзод. Онаси Оппоқ опа бўлса қишлоқ врачлик пунктида ҳамшира. У ҳам спортни севади. Беҳзоднинг опаси ва акаси ҳам спортга ишқибоз. Уларни оилавий спортчилар деб аташ мумкин.

Хуллас, Беҳзод мана икки йилдирки, мактабнинг каратэ тўгараги аъзоси. Бу ерга уни отаси бошлаб келган. Мураббийлари Мирзабек Нурбоев, Аслонбек Хамзинлар кўмагида дурустгина натижаларга эришмоқда. Ўтган йилнинг кузида Тошкентдаги «Жар» спорт мажмуида ўтказилган Ўзбекистон қўл жанги Федерацияси биринчилиги баҳсларида Беҳзод ҳам қатнашиб, фахрли учинчи ўринни эгаллади.

– Келажакда яхши спортчи бўлиб етишиб, Ватанимиз байроғини дунё майдонларида юқорига кўтариш бирдан-бир орзуим, - дейди у. – Бунинг учун мактабда ҳам аъло баҳоларга ўқияпман. Спорт машғулотларида қатнашиш учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Тенгдошларим – Отабек Рисбеков, Нуриддин Мирзаев, Мақсад Дасаевлар билан ҳамиша фахрланаман.

Суратда: Беҳзод Муродов (чапдан иккинчи) тенгдошлари даврасида.

СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

Жиззах

БЎСМ – МАҲОРАТ МАСКАНИ

Ҳамқишлоқларим яхши эслашади: 1988 йили туманимиздаги БЎСМ баъзи муаммолар туфайли Зомин тумани тасарруфига ўтказиб юборилганида спорт шинавандалари бўлган қишлоқ ёшлари бундан норози бўлишганди. Ўшанда эндигина Жиззах Давлат педагогика олийгоҳини битириб келгандим. Ёшларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқиши кучлилигини яхши билардим. Уларга амалий ёрдам зарур эди.

Туман ҳокимлиги тузган режаларим билан танишиб чиққач, қўллаб-қувватлади. Марказга туташ «Юксалиш» хўжалигининг кўп йиллардан буён ҳувиллаб ётган клуб биноси болалар ва ўсмирлар спорт мактабига ажратиб берилди. Ўн кишидан иборат мураббийлар бинони етти ой мобайнида ўз кучимиз билан таъмирладик. Қурилиш ашёлари олиш учун яхшигина ишлаб турган тегирмонимни сотдим. Бинони спорт мактабига мослаштириш учун 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Биз мақсадга эришдик. 2000 йилнинг 18 мартида БЎСМнинг очилиш маросими бўлди. 560 нафар қишлоқ ёшларини мактабимизга жалб қилганимиз катта ютуқ эди.

Бугун бу ерда спортнинг беш тури – футбол, волейбол, бокс, каратэ ва кураш бўйича таҳсил олаётган ёшларнинг чеҳрасида мамнунлик ифодаси балқийди. Уларга 14 нафар тажрибали мураббийлар спорт сирларини қунт билан ўргатаётир.

Ютуқлар ҳам кўзга ташланиб қолди. Ёшларимиз футбол, волейбол бўйича республика мусобақаларида муваффақиятли иштирок этаётган бўлса, мураббий Б.Қўшназаров шогирдларидан 16 нафари Ўзбекистон миллий каратэ федерациясининг аъзолари.

Келгуси режаларимиз улкан. А.Эралиев раҳбарлигидаги «Акмал» хусусий фирмаси ҳомийлигида бундан кейин ҳам катта муваффақиятларни кўзлаганмиз.

Равшан СУЮНБОЕВ,
Зарбдор туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори



Таклиф, мулоҳаза

МЕНДА ФИКР БОР...

Бахтиёр ИЗБОСАРОВ, Ғаллаорол туманидаги А.Мирзакаримов номли 27-ўрта мактаб директори:

– Болалар спортини ривожлантириш, бу келажак тўғрисида қайғуриш демакдир. Туман ҳокимлиги ва «Маданият» қишлоқ фуқаролар йиғини саъй-ҳаракати билан кейинги вақтда соҳага эътибор кучаймоқда. Бироқ 650 га яқин бола таҳсил оладиган мактабимиз ҳанузгача ўзининг спорт залига эга эмас. Тўғри, ҳозир янги бино қуришнинг имконияти йўқдир, лекин бу муаммони ҳал этишнинг бир йўли бор. Д.Йўлдошев номли хўжаликнинг кўп йиллардан буён фойдаланилмай, ташландиқ ҳолга келиб қолган клуб биноси мактабимизга берилса, ўқувчиларимизнинг спорт билан шуғулланишига амалий ёрдам қилинган бўларди.

* * *


Мирзабек НУРБОЕВ, Мирзачўл туман болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг етакчи мутахассиси:

– Спортнинг оммавийлигини таъминлаш оиладан бошланади. Оилавий спортни ривожлантириш орқали бу борада салмоқли ютуқларни қўлга киритиш мумкин. Шуни эътиборга олган ҳолда жорий йилда туманимиздаги мутасаддилар билан оилавий спортни ривожлантириш йўлида қатор амалий ишлар қилмоқчимиз.

* * *

Содиқ КЎБАЕВ, Жиззах шаҳридаги «Кимёгар» маҳалла қўмитаси котиби:

– Ҳомийлар кўмаги болалар спортини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. «Жиззахпластмасса» корхонаси кўмагида қурилиб, ишга туширилган болалар спорт мажмуи мунтазам ишлаб турибди. Бунда мураббийлар меҳнати таҳсинга лойиқ бўлмоқда. Лекин, афсуски, жонкуяр мураббийларимиз кўпинча жамоатчилик асосида фаолият кўрсатишади. Таклифим – фуқаролар йиғини ҳисобидан спорт мураббийлари моддий рағбатлантириб борилса, янада самарадорликка эришилган бўларди.



ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Вилоятда 5 та стадион, 4 та сузиш ҳавзаси, 204 та спорт зали, 397 та баскетбол, 625 та волейбол, 326 та қўл тўпи, 157 та кичик футбол майдонлари, 26 та теннис корти ёшларга хизмат кўрсатаяпти.

* * *

Болалар спортини ривожлантириш мақсадида ҳомий ташкилотлар томонидан мавжуд спорт базаларини таъмирлаш ва янгиларини барпо этиш ҳамда жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида 664,1 миллион сўм маблағ сарфланди.

* * *

Мавжуд 34 та касб-ҳунар коллежидан 29 тасида, 537 та умумтаълим мактабидан 169 тасида спорт заллари мавжуд. Уларнинг 111 тасини ушбу ўқув йилида жорий ва мукаммал таъмирлаб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

* * *

Вилоят спортчилари ўтган йили халқаро мусобақаларда 12 та олтин, 9 та кумуш, 16 та бронза, республика беллашувларида 52 та олтин, 42 та кумуш, 74 та бронза медалини қўлга киритди.



Саховатли, ташаббускор фермерлар ҳақида гап кетгудай бўлса, «Корасув» фермер хўжалиги раҳбари Курол Худойбердиевнинг номи биринчилардан бўлиб тилга олинади. Негаки, у доимо ҳамкишлоқларини, айниқса, ёшларни ўйлайди. Уларга ғамхўрлик қилиб, лозим бўлса ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлайди.

ФЕРМЕР ҲИСОБИДАН БИР МИЛЛИОН СЎМ

Масалан, ўтган йили болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамига бир миллион сўм ўтказиб берди. Қишлоғидаги Улуғбек номли 12-мактабни оталиққа олган. Кам таъминланган оила фарзандларига ҳар йили ўқув адабиётлари, кийим-кечак сотиб олиб бермоқда. Шунингдек, Зомин туманидаги «Мурувват уйи» тарбияланувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида ярим миллион сўмлик саховат ёрдами кўрсатди.

Энг қувонарлиси, фермер хўжалигида меҳнат қилаётган 26 нафар ишчига етарли шарт-шароит яратиб берилган. Дала шийпони ишчиларнинг иккинчи уйига айланган. Эрта кўкламдан то кеч кузгача ишчилар дала шийпонига кўчиб чиқишади. Дала шийпони атрофи довдарахтлар билан ўралган. Айтганча, фермер хўжалиги ишчилари ҳашар йўли билан далада спорт майдончалари қуриб олишган.

– Хўжалик аъзоларининг ишдан сўнг мириқиб дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, - дейди фермер хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Улуғбек Жўраев. – Аъзоларимиз асосан ёшлардан иборат. Дала шийпони ёнида мини футбол, волейбол, баскетбол майдончалари барпо этилган. Спорт анжомлари сотиб олдик. Меҳнаткашларимиз ва уларнинг фарзандлари ишдан бўш вақтларида спорт билан шуғулланишяпти.

Пахтакор тумани марказидаги «Самарқанд» маҳалласи ҳудудида лойиҳа қиймати 150 миллион сўмлик болалар спорт мажмуи ҳашар йўли билан бунёд этилди. Умумий саҳни 1,2 гектар майдонни эгаллаган ушбу янги спорт иншоотида 2 минг ўринли усти ёпиқ томошабинлар саҳни, маъмурий бино, ёпиқ спорт машғулотлари зали мавжуд. Шунингдек, мажмуа таркибидан футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика, мини футбол, қўл тўпи майдонлари, теннис корти ўрин олган.

– Маҳалламизда мана шундай йирик спорт мажмуининг иш бошлаши, унинг фарзандларимизнинг баркамол ўсишига хизмат қилишидан мамнунмиз, — дейди маҳаллада яшовчи Матлуба Эшмуродова. – Тўрт нафар фарзандим бор. Уларнинг барчаси шу масканга қатнайдиган бўлди. Айниқса, кичик ўғлим Фарруҳнинг спорт жони-дилига айланган.

Суратларда: «Пахтакор» болалар спорт мажмуанинг умумий кўриниши; мажмуа ҳовлисида ободончилик ишларидан бир лавҳа.

Ибрат

Даромадга қараб буромад, дейдилар. Бундан 9 йил олдин «Манас» хўжалиги ҳудудидан 54 гектар ер олиб, фермерлик ташкил этган жамоанинг кўрсаткичлари бугунги кунда анча юқори. Учта ер ҳайдов ва чопиқ тракторларига эга. Ҳар йили ғалла, пахта экинларидан юқори ҳосил етиштириб, мўмайгина даромад олишаяпти. Мисол учун, ўтган йили ғалланинг ўзидан 1,5 миллион, пахтадан эса 2 миллионга яқин соф даромад кўришди.

– Ер майдонини 200 гектарга етказиб, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириб, ушбу маҳсулотларни қайта ишловчи цех қуриш режамиз бор, – дейди фермер. – Интилганга толе ёр. Агар ниятларимиз амалга ошса, меҳрсаховат ҳамда болалар спортини ривожлантириш йўлидаги ишларимиз салмоғини янада оширамиз.

Ҳа, саховатпеша фермернинг ниятлари эзгуликка йўғрилган. Эзгулик йўлидаги орзу-ниятларнинг руёбга чиқишига эса шубҳа йўқ.

Н.БЎРИЕВ

Ташаббус

МАКТАБ БАЗАСИДА
тажриба-синов майдончаси

Кўрик туманимизда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Машғулотлар ўтказиш учун етарлича шарт-шароит яратилган. 83 та спорт майдончаси, жумладан 11 та қўл тўпи, 30 та волейбол, 10 та футбол, 12 та мини футбол, 18 та баскетбол майдончалари ҳар доим ўғил-қизлар билан гавжум.

Бундан ташқари, янги спорт иншоотлари бунёд этишга ҳам етарли эътибор қаратилмоқда. 27 та маҳалла ва 8 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида барча қулайликларга эга, замонавий спорт майдончалари барпо этилмоқда. Бунда ҳомий ташкилотлар кўмаги асқотаяпти.

14 минг 722 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олаётган 24 та мактабнинг барчасида ёпиқ ва очиқ спорт майдончалари мавжуд. Ҳар бир мактаб базасида спортнинг бирор-бир тури бўйича тажриба-синов майдончаси ташкил этилган. Масалан, 1-мактабда кураш, 3-мактабда бокс, 12-мактабда таэквандо бўйича гуруҳлар муваффақиятли иш олиб бораяпти.

Туман ҳокимлиги томонидан ҳар ойнинг сўнгги якшанбаси «Оммавий спорт куни» деб эълон қилингани айни муддао бўлди. Шу муносабат билан туманнинг минглаб кишилари спортнинг у ёки бу турида машғулотларда қатнашиб, ўз саломатликларини тикламоқда.

Матлуба ҲАКИМОВА,
Зафаробод туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси

«Ишонч» фош этади

ШАРОИТ БЎЛМАГАЧ...

Жиззах тумани маркази – Учтепа қўрғонидаги Ш.Рашидов номли 13-ўрта мактабда ҳам иқтидорли спортчи ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Қачонлардир мактаб «Кувнок стартлар» республика мусобақасида биринчиликни олиб, Марказий Осиё мамлакатларида ватанимиз шарафини ҳимоя қилган эди. Бу анъана ҳозир ҳам мавжуд. Ўтган йили Самарқандда миллий кураш бўйича ўтказилган республика мусобақаларида қатнашган ўқувчилар — Зафар Умрзоқов, Равшан Атоев, Восит Бозоровлар совринли ўринларни эгаллаб қайтишди.

Бунда шубҳасиз, мураббий-ўқитувчилар Йўлдош Бозоров, Адҳам Азимов, Умид Бердиевларнинг ҳиссаси катта бўлди. 1341 бола таълим-тарбия олаётган мактабнинг спорт соҳасидаги бу кўрсаткичи денгиздан томчидек туюлди, назаримизда. Нега дейсизми?

Айтишларича, мактабда 200 дан зиёд ўқувчи спорт билан мунтазам шуғулланаркан. Ваҳоланки, атиги бешта спорт тўгараги номигагина ишлаб турибди. Негаки, машғулот ўтадиган жойлар талаб даражасида эмас, жиҳозлар етишмайди. Мураббийлар сув билан ҳаводек зарур бўлган бир пайтда мутасаддилар кўмакка шошилмаётир.

Мактаб илмий бўлим мудири Т.Шаймоновнинг айтишича, спорт жиҳозлари билан тўлиқ таъминлаш учун бир миллион сўм маблағ зарур. Ёпиқ спорт зали икки йилдирки яроқсиз аҳволда. Поли қўпориб олиб кетилган, иситиш батереялари ва трубалар алмаштириш баҳонасида қирқиб ташланган.

– Дарсларни шароит йўқлиги учун назарий асосда ўтишга мажбур бўлаяпмиз, - дейди жисмоний тарбия ўқитувчиси А.Азимов. – Бунинг ўқувчиларга ҳеч ҳам қизиғи йўқлигини билиб ич-ичимиздан эзиламиз, албатта. Раҳбарлар ёпиқ спорт залини эпақага келтиришга қуруқ ваъда беришдан нарига ўтишмаяпти.

Бундан ташқари, мактабдаги мавжуд 10 та компьютер аллақачон эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган.


– Янги компьютерларни орзу қилиб яшаймиз, - дейди рус тили ўқитувчиси Нодира Олимжонова. – Агар янги компьютер бўлганида биз ўқитувчилар ҳам шоҳмот билан шуғулланиб, болаларни спорт оламига жалб этишга ҳисса қўшган бўлардик.


Ўрол Шодмонқулов шу мактабнинг 8-е синфида ўқийди. Футболга қизиқади. Лекин машғулотларни кўнгилдагидек ўтиш учун шароит етарли эмас.

Хулоса шуки, бир пайтлар спортда катта ютуқларни қўлга киритган мактабнинг довруғи бугун етарли шарт-шароит яратилмаганлиги боис тобора сўниб бормоқда. Бу ҳақда туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлимидаги мутасаддилар ўйлаб кўришлари ҳамда тезда амалий ишга киришишлари зарур. Акс ҳолда...

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири

Суратларда: мактаб спорт зали бугун мана шундай ачинарли аҳволда.





ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Барҳани яшариш ва янгиланиш айёми - Наврўзи Олам билан қутлайди. Наврўз хонадонларимизга тўкин-сочинлик, қалбларимизга баҳорий кайфият олиб кирсин. Айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!





ФАРҒОНА ШАҲАР САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Шу азиз Ватанда яшаётган барча-барчани фусункор айём - Наврўз байрами билан муборакбод этади. Баҳорий, кайфият Сизни сира тарк этмасин. Ҳар бир кунингиз қутлуғ бўлсин!

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ



Қизғалдоқ баргидек учар дилдан ғам,
Тошқинлар киради қалбимга маним.
Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам,
Менинг Ўзбекистон – дилбар Ватаним!

Абдулла ОРИПОВ

НАМАНГАН «ЭКСТРАКТЁF» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ


Баҳор тўкин-сочинлик, мўл ҳосил, қут-барака дебочасидир. Шундай фараҳбахш кунларда Сиз азизларни чин дилдан қутлар эканмиз, ишларингизга омад, оилаларингизга тинчлик-осойишталик тилаймиз

Бахт учун туғилгай жамики одам,
Толе олиб келсин Наврўзи олам!

"ХОВОСДОН" ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Жонажон Ўзбекистонимизнинг барча ғаллакорларини Наврўз байрами билан самимий қутлайди. Деҳқонларимизга бу йилги мавсум қут-барака олиб келсин

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, БАРЧАНГИЗГА КУЧ-ҚУВВАТ, ДАСТУРХОНИНГИЗГА ТЎКИНЛИК ТИЛАЙМИЗ!



кўришмоқда. Бригада ҳудудидаги 34 гектар ердаги ғалла майсаларини парваришлаш ишлари агротехника қоидаларига риоя қилинган ҳолда олиб борилаяпти. Шунингдек, бригада деҳқонлари 45 гектар майдонга плёнка остига чигит экишни режалаштиришган бўлиб, айни вақтда бу муҳим иш уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда.

Суратларда: экиш мавсумида тракторчи Яҳёмирза Давидов ва ишчи Баҳром Исоқовлар жонбозлик кўрсатишаяпти; чигит экиш жараёнидан лавҳа.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар





САЙЁҲЛИК МУТАХАССИСЛАРИ

Шу йилнинг 23-27 март кунлари Тошкентда туризм колежларининг ўқитувчилари учун тренинг ўтказилади. Тадбир Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Британия кенгаши(British Council)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Le Meridien Tashkent palace отели томонидан ташкил этилди.

Тренингни Британия кенгаши таклиф этган канадалик икки мутахассис Пентес ва Руби Рубрехлар ўтказмоқда. Ўзбек ўқитувчилари талабаларнинг тил ўрганиш ва ўқув дастурлари тузиш юзасидан саволларига жавоб олишади. Улар шунингдек, машғулотлар ўтказишда амалий материаллардан фойдаланишни ҳам ўрганади. Ўқитувчилар меҳмонхона ходимларининг реал тил эҳтиёжлари қандайлигини ўрганиш ва отел ходимларига инглиз тили нақадар зарурлигини билиш учун Le Meridien отелининг иш фаолитини ҳам кузатишади.

Бу Британия кенгашининг Ўзбекистондаги янги лойиҳаси бўлиб, у сайёҳлик коллежларида инглиз тили ўқитиш стандартларини яхшилашни ўз олдига қўяди. Шу боисдан у Ўзбекистон иқтисодиётида туризм аҳамиятини ўстиришда яна бир қадам бўлади.

Юртимизда баҳор эпкинлари эса бошлаши билан дала ишлари ҳам бошланади. Айни кунларда республикамиз далаларида янги мавсумга тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирмоқда. Чортоқ туманидаги «Ойқўрон» ширкат хўжалигининг 7-бригадаси аъзолари ҳам ҳар бир кунни ғанимат билиб, экин-тикин ишларига пухта ҳозирлик

Андижонда демократик бошқарув асосларига бағишланган ўқув семинари ўтказилди. Унда шаҳар уйжой мулкдорлик ширкатлари аъзолари ҳамда маҳаллий ҳокимият ва коммунал хизмат вакиллари иштирок этди. Семинар Урбан институтининг Тошкентдаги ваколатхонаси томонидан уюштирилди.

УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ЎҚУВИ

- Бундай семинарларнинг фойдаси катта, - деди вилоят коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Одилжон Исмоилов "Туркистон-пресс" мухбирига. – Айнан шуни назарда тутиб, чет эллик ҳамкорларимиз билан бирга шу хилдаги семинарларни нафақат шаҳарларда, балки туман марказларида ҳам ўтказишимиз керак. Ўшанда уй- жой мулкдорлари ўз ҳуқуқ ва ва бурчлари тўғрисида янада кўпроқ билим ва тушунчага эга бўлишади.

"ИҚБОЛ" СОВРИНИ УЧУН

Андижон вилояти хотин-қизларининг "Иқбол" газетаси совриниучун анъанавий теннис мусобақаси ўтказилди.

Қизғин беллашувларга бой бўлган мусобақаларда бир юз элликдан зиёд хотин-қизлар ёшига қараб, уч гурухда куч синашди.

Ўттиз олти ёшдан катталар ўртасидаги мусобақада избосканлик Матлубахон Қўчқорова ғолиб чиқди. Ўн саккиз ёшдан ўттиз олти ёшгача бўлган гурухда Андижон Давлат чет тиллар педагогика институтининг талабаси Умида Қирғизбоева, ўн саккиз ёшгача бўлганлар орасида эса андижонлик мактаб ўқувчиси Комила Мирзаолимовалар пешқадам бўлишди.

-Бундай турнирларда қатнашиш маҳоратни оширишга ёрдам беради,-деди У.Қирғизбоева "Туркистон-пресс" мухбирига. – Мусобақа оддий машқ қилишдан анчагина фарқ қилади, албатта. У соғлиқни мустаҳкамлашда, жисмоний камолга етишда, қолаверса, спортни янада оммавийлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

КЎНГИЛЛАР ТОҒДЕК КЎТАРИЛДИ

Пойтахтдаги 30-меҳрибонлик уйида Наврўз байрами муносабати билан хайрия тадбири ўтказилди. Тадбир Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳамда "Огоҳ" газетаси жамоаси ҳамкорлигида уюштирилди.

- Ҳар байрам олидидан қариялар уйларидаги нуронийларимизга ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига хайрия тадбирларни ўтказиб бериш биз учун анъанага айланган, - деди Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Юсуфхўжа Акромхўжаев. - Байрам кунлари кимдандир совға ёки табрик олган кишининг кўнгли тоғдек кўтарилади. Меҳрга ташна қалбларга озгина бўлсада эътибор улашолсак ўзимизни бахтиёр ҳисоблардик.

Кузатув кенгашининг қарорига кўра «5-Таксисарой» ОАЖ акциядорларини йиллик умумий мажлиси 2004 йил 19 апрел куни соат 10.00 да Тошкент шаҳар Арнасой кўчаси 7-а уйда «5-Таксисарой» ОАЖ биносида ўтказилади.

Акциядорлар реестри 2004 йил 20 март кунига ёпилди

КУН ТАРТИБИ:

1.Жамиятнинг 2003 йил молиявий хўжалик фаолияти тўғрисидаги бошқарув кенгаши раисининг ҳисоботи.

2.Жамият фойдаси зиёни ва бухгалтерлик балансларни тасдиқлаш.

3.2003 йил якунлари бўйича жамият тафтиш гуруҳи далолатномаси ва аудитор текширувининг хулосасини тасдиқлаш.

4.Жамият 2003 йил фойдасини тақсимлаш.

5.Жамиятнинг 2004 йилга бизнес режасини тасдиқлаш.

6.Жамиятнинг 2004 йилга аудиторини тасдиқлаш.

7.Кузатув кенгашининг ҳисоботи

8.Кузатув кенгаш аъзоларини сайлаш

9.Бошқарув кенгаш раисини сайлаш.

10.Тафтиш комиссиси аъзоларини сайлаш.

11.Бошқарув кенгаши раиси билан 1 йил муддатга шартнома тузиш.

12.Жамиятнинг Бошқарув кенгаши, Кузатув кенгаши, тафтиш гуруҳи ҳаражатлари низоларини тасдиқлаш ва моддий рағбатлантириш.

13.«5-Таксисарой» ОАЖни «Тошшаҳарйўловчитранс» АК Таркибига кириш масаласи.

«5-Таксисарой» ОАЖнинг 2004 йил 1 январ ҳолатига «АММ-Автоаудит» аудитор ташкилоти тасдиқлаган баланси.

	АКТИВ	ПАССИВ минг сўм
1.Устав фонди		50050,1
2.Қўшимча маблағ		2944,2
3.Захира капитал		94342,3
4.Тақсимланган фойда		2132,4
5.Мақсадли молиялаштириш		10800,0
6.Қисқа муддатли банк кредити		29179,8
7.Узоқ муддатли активлар	207724,2	
8.Айланма активлар	23442,9	
9.Кредиторлар		41718,3
2003 йил баланси	**231167,1**	**231167,1**

Молиявий кўрсаткичлар	минг сўм
1.Сотишдан тушган маблағ	181737,8
2.Ҳаражатлар ва мажбурий тўловлар	202821,2
3.Асосий фаолиятдан ташқари қўшимча даромад	27250,9
4.Олинган дивидентлар	551,0
5.Молиявий натижа	6718,5
6.Солиқлар	5966,2
7.Соф фойда	752,3

Акциядорлар умумий мажлисига қадар «5-Таксисарой» ОАЖ кузатув кенгаши раиси хонасида ҳужжатлар билан танишишлари мумкин. Ижроия органларида иштирок этишни хоҳловчи акциядорлар кузатув кенгашига 09.04.04.гача ариза беришларини сўраймиз.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ



ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Илҳом

ЯХШИЛИК ҚИЛ

Бўлай десанг, дўстим, ҳақиқий инсон,
Дунёда кўрмайин десанг дард, армон,
Ҳамиша яшайин десанг сен шодон,
Яхшилик қил, яхшилик кўр, яхшилик.

Одамларга улаш меҳру саховат,
Кўрмагайсан шунда асло залолат,
Эзгулик уруғин сочмоқ хуш одат,
Яхшилик қил, яхшилик кўр, яхшилик.

Умрингда ҳеч кўрма бахтсизлик, завол,
Меҳнатинг туфайли сен топгил камол,
Ҳамиша яшагил покиза, ҳалол,
Яхшилик қил, яхшилик кўр, яхшилик.

Камтарин бўлмоқлик инсон зийнати,
Манманлик йўқ қилар одам қийматин,
Абадий қолғуси яхшилик оти,
Яхшилик қил, яхшилик кўр, яхшилик.

СЕН ТАФАККУР СОҲИБИ

Кезиб чиқиб оламни беҳад ҳиммат этарсан,
Сен дунёдан ўлгунча савоб қилиб ўтарсан,
Ҳотам деган ном бирла оламдан ҳам ўтарсан,
Тавбанг қабул эмасдир, отанг рози бўлмаса.

Сен тафаккур соҳиби, олам илми сенда жам,
Ким билади, очарсан ҳатто ажал сирин ҳам,
Тавбаси йўқ кишининг боши эрур доим хам,
Тавбанг қабул эмасдур, отанг рози бўлмаса.

Балки бир кун қадаминг ўпар Эрам тупроғин,
Ажр тегса теккайдир балки сенга кўпроғи,
Бироқ битта бўлади Парвардигор сўроғи,
Тавбанг қабул эмасдур, отанг рози бўлмаса.

Суннатиллахўжа АКРОМИЙ





Баҳор неъматлари

Она заминда не-не шифобахш гиёҳлар ўсмайди, дейсиз!

Баҳорда отқулоқ, момоқаймоқ, йўнғичқа - ёш беда, мадор ҳамда «Ҳулкар» деб аталмиш шифобахш гиёҳлардан тайёрланадиган «кўк сомса»лар ўзининг лаззатлилиги, одамларга куч-қувват бағишлаши, витаминларга бойлиги билан ота-боболаримиз, момоларимиздан бизга мерос бўлиб қолган.

ҲУЛКАР

от гўшти кучига тенг гиёҳ

- Шуни айтиш керакки, ҳулкар мадор каби шифобахш гиёҳдир,-дейди олий тоифали ҳамшира, меҳнат фахрийси Нурияхон ая Унарова. - У ўта иссиқлик бўлиб, мижози иссиқ, қон босими баланд кишилар ҳулкарли кўк сомсани асло тановвул қилмасликлари керак. Айни вақтда мижози совуқ, қон босими паст, камқуввat, иштаҳаси йўқ, дармонсиз одамлар ҳулкардан қилинган кўк сомса таркибига 2 та тухум, таъбга кўра мурч ёки қалампир тайёрласалар, ўзларини анча тетик ҳис этадилар.

Дарвоқе, ҳулкар қазиқарта ўрнини боса оладиган даражада кучлидир. Ундан қилинган кўк сомса бош айланиш, кўз тиниш, камқуввat, дармонсизларга, шубҳасиз, куч-қувват бағишлаши билан бирга, инсон кайфиятини ҳам кўтаради.

Хўжакентлик отахон, меҳнат фахрийси, ўтўланлар, гиёҳлар хусусиятларини яхши биладиган Жўра ота Унаров шундай дейди:

- Ҳулкарли шифобахш кўк сомсани баҳорда 2-3 марта тўйиб еган инсон асло касал бўлмайди.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ

Стол тенниси

ВАКИЛЛАРИМИЗ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ


Қатар пойтахти Дохада стол тенниси бўйича терма жамоалар ўртасида жаҳон чемпионати баҳслари нихоясига етди.

Вакилларимиз ҳар бир учрашувни кўтаринки кайфиятда ўтказиб, жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритдилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Саидикром Бурхонхўжаев шогирдлари Алишер Камолов, ака-ука Темур ва Алберт Ширievлар, Андрей Дюгай, қизлардан Саида Бурхонхўжаева, Манзури Иноятова ҳамда Светлана Гета юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, байроғимизни баланд кўтардилар.

– Жаҳон чемпионатини юксак унвонини қўлга киритиш йўлида жами 8 та терма жамоани мағлубиятга учратдик, – дейди бош мураббий. – Келгусидаги режаларимиз катта. Хусусан, апрел ойида Тожикистонда ўтказиладиган халқаро турнирда қатнашиб, Афина-2004 йўлланмасини қўлга киритишдир.

Дарҳақиқат, теннисчиларимиз йўлланмани қўлга киритишга асосий даъвогарлардан ҳисобланади. Чунки умидли спортчиларимиз Саида Бурхонхўжаева Италияда, Манзура Иноятова ҳамда Светлана Геталар Россия жамоалари билан машғулотларда қатнашиб, маҳоратларини оширмоқдалар. Бу вакилларимизга Олимпиада йўлланмаси учун баҳсларда қўл келади, деган умиддамиз.

АЙЛАНМА СКАНВОРД



Тузувчи: Ф.ОРИПОВ

Одобнома

СУҲБАТГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Бошқаларни билмадиму, аммо мен шу кунгача «Элакка кирган хотиннинг эллик оғиз гапи бор», деган мақолни фақат салбий маънода, яъни, аёлларнинг сергаплиги устидан кулиш маъносида тушунар эдим. Бироқ кўшнисиникига элакка кирган хотин нимани гаплашади, нега шундай мақол тўқилган, деб сира ўйламаган эканман.

Ҳа, аксарият ўзбек аёллари кўнглининг очиқлиги, сўзга чечанлиги, дилкаш ва дилбарлиги билан бошқа халқ аёлларидан ажралиб туради. Айниқса, инсон кўнглини асраш, унга мулойимлик билан йўл топиш бобида уларнинг олдига тушадигани кам топилади. Шундай хусусияти туфайли ҳатто қўшнисидан бирор нарса, масалан, элак сўраб чиққан тақдирда ҳам гапни бирданига «Элагингиз борми?» ёки «Элагингизни бериб туринг», деб бошламайди – муддаога ўтишдан аввал узоқ даромад қилади: ҳол-аҳвол сўрайди, ҳарбийдаги ўғлидан хат-хабар борлиги билан қизиқади... Хуллас, қўшнисининг раъйига мос келадиган гаплар билан унинг кўнглини овлайди. Чиқиб кетиш олдидан эса «Вой, эсим қурсин, мен элакка чиққан эдим», – деб қўяди бепарвогина. Қўшнисининг ўз шаънига айтган илиқ гапларидан ийиб кетган мезбон аёл эса бундай пайтларда йўқни йўндиришга, ҳатто ўзи ишлатиб турган энг зарур рўзғор буюмини инъом этиб юборишга ҳам рози бўлади.

Халқимиз орасида «Бердисини айтгунча шошмай тур», «Томдан тараша тушгундай гапирма» деган нақллар бор. Зеро, тадбиркор ва ақлли одамлар суҳбатдошларига бирор жиддийроқ фикрни айтишдан олдин тингловчини суҳбат мавзуига обдон тайёрлаб олишга ҳаракат қиладилар. Шундай қилинганда эшитувчи ҳар қандай ҳаяжонли ёки қайғули хабарни ҳам анча енгил қабул қилади ва унга тўғри муносабатда бўлади. Муҳими шундаки, бу одат деярли ҳамма халқлар учун ҳам хос бўлиб, суҳбатнинг муваффақиятли чиқишига ижобий таъсир кўрсатади. Фикримизни қуйидаги воқеа тасдиқласа, ажаб эмас. Мексика чемпионатидан аввал Перу терма командасига бразилиялик Диди бош тренер этиб тайинланади. Бегона юртдан келган тренер билан тил топишиб кетиш, табиий, енгил кўчмайди. Ва, юзаки қараганда, оддий ҳодисадек туюлган бир воқеа Дидининг обрўсини осмон қилиб юборади.

Перу командаси ўйинчилари Уругвай терма командаси билан учрашувга шай бўлиб турган куни эрталаб ишонган ўйинчилардан бири Фуэнтеснинг отаси вафот этгани ҳақидаги хабарни Дидига етказишади. Диди шошмайди, у йўл-йўлакай саломлашгандек Фуэнтес дам олаётган хонага киради, атайин у ёқ, бу ёқдан гурунг бошлайди. Анча суҳбат қуради. Ҳаётнинг аччиқ-чучукларидан сўзлайди, ҳар қандай одамнинг, айниқса, эр кишининг бошига оғир кун тушганда вазминроқ бўлмоғи зарурлигини айта туриб, гап орасида Фуэнтеснинг отаси қазо қилганини қистириб ўтади. Фуэнтес ток ургандек сапчиб тушади, бугунги машғулотлардан ва кечқурунги ўйиндан озод этилганини эшитиб лабини қимтиб қолади. У уйига – дафн маросимига жўнайди. Оқшом учрашув олдидан эса... у стадионда ҳозир бўлади ва майдонга тушишга тайёрлигини айтади.

Шу воқеадан сўнг Перу футболчилари Дидини Устоз деб атай бошлайдилар...

Аммо, минг афсуски, Диди каби инсон руҳининг кашфиётчилари билан бир қаторда фикрини ўта тўмтоқ ифодалайдиган, гап бошлашнинг оддий қонун-қоидаларини билмайдиган кишиларга ҳам тез-тез дуч келиб турамиз.

– Ўғлингизни отиб қўйишибди, – дейди Фарғона вилоятидаги қишлоқлардан бирида ёлғизгина ўғли билан бирга кун кечирадиган онага қаердандир ҳаллослаб келган қўшни аёл томдан тараша тушгандай. Табиийки, ёлғиз ўғли ҳақидаги, бунинг устига ҳеч қандай тайёргарликсиз айтилган бу хунук хабарни муштипар она юраги кўтара олмайди: ўйламай айтилган бир оғиз хунук гап она ва боланинг қўшмозор бўлишига сабаб бўлади...

Ҳеч қандай тайёргарликсиз, даб-дурустдан бўладиган суҳбатларга, айниқса, телефонда деярли ҳар куни гувоҳ бўламиз.

Телефон жиринглайди. Фикрингиз бўлиниб, гўшакни кўтарасиз. Қандайдир бегона овоз саломсиз, аликсиз:

– Ким бу? – дейди.

Ўзини таништирмасдан дабдурустдан сизни сўроққа тутаётган бу кимсага нима дейишингизни билмай қоласиз. Ҳар ҳолда бирданига унга танбеҳ беришни, кўнғироқ қилаётган одам аввал ўзини таништириб, муддаосини муомала маданияти билан изҳор этиши лозимлигини пеш қилишни ўзингизга эп кўрмайсиз. Кейин маълум бўлишича, ўша одам сизга ёки ишхонада бўлса ҳамхонангизга бирор илтимос билан мурожаат қилаётган бўлади.

Афсуски, қўнғироқ қилишнинг бундай ўтакетган сийқа усули анчайин одат тусига кирган. Телефон қилаётган одамнинг иккинчи жойдаги кишига «Қайдан бу?», «Сиз ким бўласиз?», деб суҳбат бошлаётганининг гувоҳи бўласиз. Шунда бирор жойга телефон қилаётган одам аввал салом бериб, ўзини таништириб, сўнгра мақсадини айтиши наҳотки шунчалик қийин бўлса, деб таажжубланасиз.

Тўғри, ҳозирги замонда гапни олиб қочадиган, муддаога ўтишдан аввал икки соат даромад қиладиган мўлтони кишилар ҳам кўпайиб кетган. Бундай кишиларга атаб шоир Абдулла Ориповнинг қуйидаги тўртлигига ўхшаш шеърлар ҳам ёзилган:

Ҳозир гадолар ҳам гоят мукаммал,
Ишни дипломатик йўлдан бошлайди.
Эгасидан у-бу сўрашдан аввал
Итига албатта суяк ташлайди...

Шунинг учун ҳам биз қишиларни хушомадгўйликка ёки шундай тезкор замонда лақмаликка чақирмоқчи эмасмиз. Аксинча, дунёда лақмалик ва лаганбардорликдан-да ёмон одат йўқ. Аммо сергап бўлиб қолишдан қўрқиб, ўта гунг бўлиб олиш, кўрс муомала қиладиган бўлиш ҳам яхши эмас. Чунки дунёда инсон кўнглидан ҳам нозикроқ нарса йўқда, ахир! Шундай экан, ўзингизнинг ширин муомалангиз билан инсонлар кўнглига йўл топинг, шунда Сиз дунё хазинаси сари йўл топган бўласиз.

С.МЎМИНОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Бу- қизиқ

ЭНГ БИЖИЛДОҚ ОДАМ

Сизнингча, дунёда энг кўп гапирадиган бижилдоқ одам ким бўлиши мумкин? Бу саволга швециялик олим Тогд Эразм 4 ёшли бола, деб жавоб беради.

Унинг ҳисобича, бу ёшдаги гўдак бир кунда тахминан 12 минг сўз айтиб ҳам чарчамас экан.

Ўша олим 4 ёшдан 6 ярим ёшгача бўлган 156 болани текшириб, шундай хулосага келган: агар бир ёшдаги бола, одатда, учтагина сўзни айтаолса, ярим йилдан кейин у 26 та сўзни ўрганиб олади.

4 ёшдан 4 ярим ёшга қадар бўлган гўдаклар 920 тадан 1240 тагача сўзни билишади. 6 ярим яшар боланинг сўз заҳираси эса 2000 тадан ошади. Шу билан бирга бу бола 6000 та сўзнинг фаҳмига етади».

НОЁБ ЭКСПОНАТ

Наботот оламида шундай ноёб ва гўзал гуллар борки, табиат уларни кишилар кўзидан яширишга уринган. Улардан бири соссюреядир.

Табиатда унинг 200га яқин тури бор. Ўрта Осиёда соссюрея баланд тоғларнинг музлик ҳудудларида, қоялар оралиғидаги офтобрўя ерларида ўсади.

У жуда кўркам гул, очилганда ҳар тупининг ўзи кичик гулзорга ўхшайди.

Ўралма соссюрея чиндан ҳам табиатда жуда кам учрайди. Уни биринчи марта ботаник Эдуард Регель юз йилча муқаддам топган ва машҳур табиатшунос О.Соссюр шарафига уни «соссюрея» деб атаган эди.

1938 йилда тошкентлик ботаник А.Пятаева ҳам бу гулни ўша тоғдан топган эди. У олиб келган ўралма гул ҳозир Ўзбекистон Миллий университетининг Гербарийсида сақланади. У қуритилган ўсимликлар йиғиндиси сифатида энг яхши экспонатдир.

А.АЛИЕВ

Ним табассум

– Болтабой чиндан ҳам Назирага уйланмоқчими?

– Ҳа, шунақа. У Назира учун ҳар қандай ахмоқликни қилишга ҳам тайёрман деди.

* * *

Қиз: Ота, қайси куни айтган йигитга турмушга чиқаман.

Ота: Уни фақат ўн кундан бери танийсан-ку? Ростдан уни севасанми?

Қиз: Бу менинг ишим.

Ота: У-чи? У сени севадими?

Қиз: Бу унинг иши.

Ота: Хўп, қандай яшайсизлар. Икковингда ҳам тирикчиликка ярайдиган ҳеч вақо йўқ-ку.

Қиз: Бу сизнинг ишингиз.

* * *

Профессор: Қани гапиринг, аммиак ҳақида нима биласиз?

Талаба: Амиак кўздан ёш келтиради, домлажон.

Профессор: Сизнинг жавобингиз ҳам.

* * *

Врач: Бу касалингиз билан яна 60 йил бемалол яшашингиз мумкин.

Бемор: О-оҳ! Демак, аҳволим оғирлашибди-да...

Врач: Нега?

Бемор: Ўтган йили шу касалинг билан 100 йил яшашинг мумкин дегандингиз.

* * *

– Менга қаранг, чемоданингиз токчада зўрға турипти. Ҳозир устимга тушиб кетади.

– Хавотирланманг, ичида синадиган нарса йўқ.

* * *

Бир толиба имтиҳонда биронта ҳам саволга жавоб беролмапти.

– Яхшиси эртага келинг, - депти профессор. Қиз йиғлаб юборипти.

– Нега йиғлайсиз?

– Эртагача бутун билганларим ҳам эсимдан чиқиб қолади-да...

* * *

Машҳур боксчи ресторанга кириш олдидан пальтосини ечибди-да, ўғирлаб кетмасинлар деб, унинг ёнига қоғоз ҳам илиб қўйибди. Қоғозда ёзилган экан: Бу пальто машҳур боксчи Том Брауникиси.

Боксчи овқатланиб чиқиб қараса, пальто йўқ, лекин қоғоз турганмиш. Фақат унга қўшимча қилиб шундай ёзиб қўйилибди: «Пальтони машҳур югурувчи ўғирлади. Қувиб овора бўлма».

Ўзингизни синаб кўринг

ФУТБОЛ-ТЕСТ

1. «Манчестер Юнайтед» жамоасида ўйнаётган америкалик футболчи?
A) Рой Кин
B) Тим Ховард
C) Ван Нистелрой
D) Робби Кин

2. «Пахтакор» жамоасида тўп сураётган ака-ука футболчилар?
A) Солиевлар
B) Рисқуллаевлар
C) Тожиевлар
D) Бердиевлар

3. Биринчи жаҳон чемпионати илк ғолиби бўлган терма жамоа?
A) Италия
B) Уругвай
C) Франция
D) Бразилия

4. Германияда туғилиб-улғайган Туркия терма жамоаси аъзоси?
A) Хоқон Унсал
B) Йилдирай Баштурк
C) Мустафо Иззет
D) Илхан Мансиз

5. «Пахтакор» футбол клубининг жамоа бошлиғи?
A) Ботир Раҳимов
B) Самвел Бабаян
C) Тажмурад Агамурадов
D) Асқар Толибжонов

6. Малайзия жамоаларида тўп сурган собиқ пахтакорчи?
A) Зоҳид Нурматов
B) Нўъмон Ҳасанов
C) Азамат Абдураимов
D) Миржалол Қосимов

7. «Манчестер Юнайтед» таркибига Девид Бэкхем ўрнига қабул қилинган ярим ҳимоячи?
A) Вес Браун
B) Пол Скоулз
C) Криштиан Роналду
D) Ники Батт

8. Италия Умумий футбол Федерацияси ташкил топган сана?
A) 1898 йил
B) 1903 йил
C) 1890 йил
D) 1909 йил

9. 1992 йилги Европа чемпионатида зафар қучган терма жамоа?
A) Португалия
B) Франция
C) Испания
D) Дания

10. 2002 йил Африка Миллатлари Кубоги ғолиби бўлган терма жамоа?
A) ЖАР
B) Сенегал
C) Камерун
D) Нигерия

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қўмиталари Марказий қўмита раёсат аъзоси Мастура Сайфутдиновага онаси

САОДАТХОН ҳожи аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош муҳаррир Миргиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net
ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - .
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
Тиражи: 20242 Буюртма Г— 417
23456